Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 7 август, чоршанба • № 62 (10.837) • Эркин нархда сотилади

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ НУРАФШОН ЙЎЛИ

ИСТИҚЛОЛ ТАРИХНИНГ ИМТИҲОНИДИР

Асрий талотўплар, зилзилаларда
Ўлмаган ўзбекнинг сабил жонидир.
— Истиқлол не берди, — дейсан серзарда...
...Истиқлол тарихнинг имтиҳонидир.

Пойингда шу жаннат тупроқ Истиқлол.
Бошингда булутсиз само ҳурликдир.
Бешигингда чақнаб ётар Истиқбол,
Мустақиллик — тили, дили бирликдир.

Ҳар битта юракда сас берсин Чўлпон,
Фитратлар юксалсин буюк жонингда.
Тишингга маҳкам бос, олиб ўт омон
Истиқлолни Аср имтиҳонидан...

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси.

ВАТАН БИТТА, ҲАҚИҚАТ БИТТА

Муҳаррир минбари

• 1991 ЙИЛ 18 НОЯБРЬ — Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғи тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Давлат байроғимизнинг рамзлари чуқур мазмунга эга эди. Ҳусусан, мовий-кўк ранг — мовий осмон ва тиниқ сув яъни ҳаёт манбаларини билдирди. Оқ ранг — тинчлик, поклик, яшил ранг эса табиат, яшнаб турган ҳаёт тимсоли эди. Янги ой — таваллуднинг вақтини англатди. Ўн икки юлдузда эса тарихий анъаналаримиз — Наврўздан бошланадиган минг йиллик удумларимиз акс этди.

• 1992 йил 4,13-14 январь — Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси бўлди. Сессияда И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президент лавозимини бажаришга киришиши муносабати билан тантанали маросим ўтказилди. Президент Ислом Каримов ўз лавозимини бажаришга киришар экан, Ўзбекистон халқларига садоқат билан хизмат қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларга кафолат беришга, Конституцияга қатъий риоя этишга, зиммасига юкланган вазифаларни виждонан бажаришга қасамиёд қилди.

ДУНЁ яралибдики — инсон ҳамиша эркинликка, озодликка, мустақилликка интилиб яшайди. Афсуски, тарихда уруш, босқинчилик, ўзга халқларни қарамликка маҳкум этишлар кўп бўлди. Кучли салтанатлар, йирик империялар никоби остида бошқа эллар ва миллатларни забун этдилар. Салкам юз эллик йил бизни ҳам аввалига оқ, кейинчалик қизил империя туткунликда тутди. Минг қатла шукрки, бундан беш йил бурун мамлакатимизда эркинлик, озодлик, мустақиллик зафар кучди.

Биз учун ана шу ўтган йилларнинггина эмас, ойлар, ҳафталар, ҳатто, кунларнинг ҳам ўзгача ўрни бор. Агар ўтган тўрт йил Ўзбекистонда ислоҳотларга мустаҳкам пойдевор қўйилган, давлатнинг ўзига хос, ўзига мос йўли танлаб олинган, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб борган давр бўлса, 1996 йил — истиқлолимизнинг беш йиллиги, таъбир жоиз бўлса, жаҳонда Ўзбекистон тўғрисидаги ҳақиқатнинг тан олинган йили бўлди.

Чунки, кечагина Ўзбекистонда бошланган ислоҳотларга тараққиёт йўлига қандайдир шубҳа билан қараган, унинг истиқболига ишонмаган давлатлар, жаҳон матбуоти ҳам бугун Ўзбекистондаги иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар йўлини «Мўъжиза» деб тан олди.

Ҳа, Ўзбекистонимизнинг тараққиёт йўли ҳақиқатан ҳам ўзига хос ва ўзига мосдир. Ўзингиз ўйланг, икки йилда мамлакатимиз ўз автомобиль заводига эга бўлди. Бундай тезкор қурилиш жаҳон тажрибасида бўлмаганлиги эътироф этилди. Собиқ иттифоқдан бир ёқлама, хом ашё минтақасини «мерос» қилиб олган давлат ўз иқтисодиётини тубдан ўзгартиришга эришди. Мулкдорлар синфи қарор топди, ёнилғи, ғалла мустақиллигига мустаҳкам пойдевор қўйилди. Корхоналаримизда тайёрланаётган маҳсулотлар дунё бозорида рақобатлаша бошлади. Миллий валюта — сўмимиз муомалага киритилди ва кундан-кунга қадри ортиб бормоқда. Яна қанча ўзгаришлар, янгиликлар...

Бундай залворли рақамларни, далилларни санашда давом этиш мумкин. Уларни санаган сайин, эслаган сайин беихтиёр кўнглинг ифтихорга тўлади.

Бу — тараққиётнинг ўзбекча модули берган мевалардир. Шунинг учун ҳам республикамиз Президентининг иқтисодий ислоҳотларга қаратилган китоблари кетма-кет Америка Қўшма Штатлари, Россия, Оврупо, Осиё ва Шарқнинг қатор давлатларида чоп этилди. Бизнинг тажрибамизни ва тараққиёт тамойилларимизни ўрганишга қизиқиш кескин ортиб бормоқда.

1996 йилда рўй берган воқеаларни кузатар эканмиз, яна бир нарса кўзга ташланади. Бугун Ўзбекистоннинг нафақат иқтисодий тараққиёт йўли, балки, маданияти ва маънавияти ҳам ўзининг муносиб баҳосини олмоқда. ЮНЕСКО ва Президентимиз ташаббуси билан буюк бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонланаётганлиги юртбошимиз таъбири билан айтганда, ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасининг эътироф этилиши бўлди. Дарҳақиқат шундай. Бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига нафақат иқтисодий, балки, маънавий, маданий, ахборот соҳаларида ҳам жадал интеграциялашиб бормоқда.

Албатта, ҳар бир давлат, аввало, ўз салоҳиятига, имкониятларига, халқига суяниб иш кўради. Халқимиз мустақилликнинг қадрига етди. Ислоҳотларнинг туб моҳиятини тушунди, бизнингча, бу эришилган муваффақиятларимизнинг энг муҳим тамал тоши бўлди.

Халқимизда яхшиликнинг чегараси йўқ, дейишади. Президентимиз Ислом Каримов яқинда Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисда сўзлаган нутқида мана шундай залворли натижаларга эришган бўлсак-да, ҳали олдимизда янада катта вазифалар турганлигини жуда тўғри таъкидладилар. Дарҳақиқат, ҳали Ватанимизни тараққий эттириш, унинг ички имкониятларини тўла ишга солиш учун кўп меҳнат қилишимиз керак. Бу йўлда қатор қийинчиликлар, муаммоларни енгиб ўтишимиз лозим. Буни тан олмаслик нотўғри бўлур эди. Аммо Ватан битта, ҳақиқат битта, дейдилар. Бу ҳар биримиздан ўз вазифамизни бекаму-кўст бажаришни, мустақилликнинг қадрига етиб, уни кўз қорачиғидек асрашни талаб қилади. Ана шундагина биз Ватан тараққиётига ва истиқболига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Энг муҳими — йўлимиз аниқ! Бу йўлни ва Ўзбекистон тўғрисидаги ҳақиқатни жаҳон тан олди. Бу бизга янгича руҳ, мадад, ишонч ва қудрат бахш этади.

• 1992 йил 4 январь — «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

• 1992 йил 2 март — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 46-сессияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси БМТга қабул қилинди. Мазкур сана мустақил Ўзбекистон тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилди. БМТнинг Нъю-Йорк шаҳридаги қароргоҳи биноси узра она-Ватанимиз байроғи ҳилпирай бошлади. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти ташкилотига кирганлиги унинг тенг ҳуқуқли, мустақил давлат сифатида халқаро майдонга чиққанлигидан дарак берди.

•1992 йил 27 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Рўза Ҳайитини дам олиш куни деб белгилаш тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжат бутун мусулмон оламини мамнун этди.

Шу кунниНг гапи

ПАХТАЗОРДА ДОЛЗАРБ КУНЛАР

АСЛИДА деҳқончиликда долзарб бўлмаган мавсумнинг, куннинг ўзи йўқ. Лекин пахтачиликда августнинг ўрни алоҳида. Чунки август-ҳосил тўплашда ҳал қилувчи палла ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шу кунларда ҳар бир туман, хўжалик, бригадада асосий эътибор гўза парваришига қаратилмоғи, шу кунгача қилинган меҳнатнинг натижаси поёнига етказилмоғи керак.

КУНИ кеча Тошкентда ўтказилган селектор кенгашида ана шу муҳим вазифалар, умуман қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, 1997 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларига уруғлик тайёрлаб қўйиш, пахта теримига ҳозирлик кўриш, экинлардан бўшаган майдонларни шудгорлаш ва бошқа қатор муҳим масалалар муҳокама қилинганлиги, жойлардаги аҳвол чуқур таҳлил этилиб, хулоса чиқариб олинганлиги бежиз эмас.

Шуни айтиш керакки, вилоятимиз деҳқонлари 1996 йилни яхши бошладилар. Пилла тайёрлаш режаси бажарилди. Давлат омборларига 214 минг тонна дон етказиб берилди. Айни кунларда бутун диққат-эътибор дала ишларини янада кучайтиришга қаратилмоқда.

Деҳқон ҳамиша эртанги кунни ўйлаб меҳнат қилади. Демак, шунга яраша уруғлик жамғариб қўйиш керак. Ҳозиргача 25 минг тоннадан ортиқ тайёрлаб қўйилган бошоқли дон уруғлиги эртага асқотади. Ғалладан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгорлаш ҳам қизғин. Бу ишни тезлаштириш мақсадида вилоятимиз шаҳарларидаги техникалар ҳам ер ҳайдашга жалб этилди. Ғалла экиладиган майдонлар ҳозирнинг ўзидаёқ аниқланиб, ишлар бошлаб юборилди.

Бу йил вилоятимизда 108 минг гектар майдонда пахта етиштирилмоқда. Жойларда агротехника тадбирлари давом этяпти. Мутахассисларнинг фикрича, пахтанинг ривожи яхши. Далаларда 280 минг тонналик хирмон уйиш учун мустаҳкам замин ҳозирланмоқда.

— Пахтачиликда ҳар бир тадбирни ўтказишнинг ўз мароми бор, дейди вилоят деҳқончилик саноат уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Турсунбой Азимов, — вилоятда ташкил этилган махсус гуруҳ ана шу масалаларни назорат қилмоқда. Барча туманларимизда, хўжаликларимизда гўзага минерал ўғитларни бериш 10 июлгача тўлиқ якунланди. Ҳозиргача гўза қатор ораларида 5,8 марта культивация ўтказилди. 4,3 марта чопиқ қилинди. Айни кунларда гўзани чилпиш якунланмоқда. Ҳисоб-китобларимизга қараганда айрим майдонларда гўзалар 6-7 кунга кечикмоқда. Лекин август ойида ҳар бир куннинг қадрига етиб меҳнат қилсак бу муддатни қисқартириш имкониятлари бор. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, бу йил пахтазорларда ҳар туп гўзани асраб қолиш учун қаттиқ меҳнат қилинди. Шу туфайли ҳар гектар ерда ўртача 90 минг кўчат сақлаб қолинди. Уларнинг ҳар бирида бугунгача ўртача беш донадан бўлиқ кўсак бор. Ҳозир биринчи галда ҳашаротларга қарши курашни кучайтириш зарур. Шу мақсадда туманларимизда 1430 дан ортиқ кузатувчилар хушёр туришибди. Ҳозиргача 22 минг гектардан ортиқ майдон ўргимчаккана, кўсак қурти ва бошқа ҳашаротларга қарши ишланди.

Туманларда, хўжаликларда терим мавсумига тайёргарлик ҳам бошланиб кетди. Айни пайтда 100 минг гектар майдонда гўза баргини тўктириш учун дефолиантлар тайёрлаб қўйилди. Техникаларни таъмирлашни тезлаштириш юзасидан қўшимча чоралар кўрилмоқда.

Аммо селектр кенгашида таъкидланганидек ҳали дала ишларида хусусан, пахтачиликда қатор камчиликлар мавжуд. Ҳозирги бутун диққат-эътибор ана шу нуқсонларни бартараф этишга, барча агротехника тадбирларини ўз муддатида ўтказишга қаратилмоғи зарур. Шунинг учун жойларда ташкилий ишларни жонлантириш ҳамда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни кучайтириш талаб этилади. Бу ҳар бир раҳбар, мутахассис, бригадир ва деҳқондан ўз ишига ўта масъулият билан ёндашишни тақозо этади.

Бу гаплар ва вазифалар нафақат пахтачиликка, балки қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларига тўла тегишлидир.

Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ.

Ғўзалар шода-шода кўсак ва гуллардан маржонлар тақмоқда. Деҳқоннинг эса ҳаракати зўр. Бўка туманидаги Гаффор Азаматов номли жамоа хўжалигининг Раҳматилла Сулаймонов бошлиқ бригадаси аъзолари 62 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиришни мақсад қилиб меҳнат қилмоқдалар. Суратда: бригада бошлиғи Раҳматилла Сулаймонов ва сувчи Эл-бой Ҳайдаров.

Доврон АҲМАД олган сурат.

ИШЧИ ГУРУҲИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси журналистлар уюшмасининг кенгайтирилган пленуми қатнашчилари уюшма фаолиятини янада кучайтириш, оммавий ахборот воситаларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза этиш, матбуот, радио ва телевидение фаолиятидаги демократик жараёнларни чуқурлаштириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиб, уюшма котибиятининг журналистлар уюшмасини Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма билан бирлаштириш тўғрисидаги қарорини маъқуллади.

Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви йиғилишида ҳам айни шундай қарор қабул қилинди.

Республика оммавий ахборот воситалари муҳаррирлари, журналистлар уюшмаси, матбуотни қўллаб-қувватловчи жамғарма раҳбариятининг қўшма йиғилишида уюшма пленуми ва жамғарма бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорлар маъқулланди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги демократик жараёнларни кучайтириш, мамлакатда тўла матбуот эркинлигини таъминлаш, журналистларни ижтимоий-сиёсий ва маънавий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга кўмаклашувчи ижтимоий-сиёсий, давлатга тегишли бўлмаган янги жамғарма тузиш таклифларини тайёрловчи ишчи гуруҳ тузилди.

(ЎзА).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ЁШЛАРГА БЕРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН мустақиллигининг беш йиллиги байрами арафасида Ангрен шаҳрининг маданий-маърифий ҳаётида яна бир ибратли иш амалга оширилди. Шаҳар ҳокимлиги маданият ишлари бўлимининг саъй-ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, марказдаги кўп қаватли ҳашаматли бинолардан бирини Ҳамза номидаги 2-мусиқа мактаби ўқувчи ва ўқитувчиларига тухфа қилди.

Янги ўқув йилида мусиқа мактаби ўқувчилари озода, кенг ва замонавий хоналарда сабоқ олишни бошлаб юборадилар.

Бу тухфадан ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам хурсанд. Жумладан, Н. Науменко, Р. Айнаева, Г. Плотников, М. Эргашева, Д. Одинаева, Т. Бугрова ва бошқалар таҳририятимизга мактуб йўллаб, ўз миннатдорчиликларини газета орқали изҳор этишни илтимос қилдилар.

Баҳодир ҲАБИБОВ.

1996 йил — Амир Темур йили

ЮБИЛЕЙ ТУҲФАСИ

Соҳибқирон юбилейи арафасида Тошкент қомуслар бош нашриёти «Темур ва Улуғбек даври тарихи» китобини босмадан чиқаради. У Фанлар Академияси тарих институтида академик А. Аскаров бош муҳаррирлигида нашрга тайёрланган.

Китобда Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврларидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, илм-фан, маданият ва санъат равнақи масалалари қўлёзма манбаларга таянган ҳолда аниқ маълумотлар асосида мукаммал ёритилган. Бу икки сиймонинг бадиий адабиётда, халқ оғзаки ижодидаги талқини хусусида фикр юритилган. Китобнинг яна бир қимматли жиҳати — унда Темур ва Улуғбек даврига оид манбалар рўйхати берилган. Бу мутахассис ва талабаларга, тарихимиз билан қизиқувчиларга қўл келади.

(ЎзА).

АҲОЛИ МАБЛАҒИ ҲИСОБИГА

ОЛМАЛИҚДА уй-жойларни қуриш ишлари ҳовирги оғир иқтисодий шароитларда ҳам муваффақиятли давом этмоқда. Бундай хайрли ишларга давлат маблағини сарфлаш қатори бошқа манбалар ҳам изланмоқда. Жумладан, аҳолининг ортиқча сармояларини жалб қилишга алоҳида эътибор берилябти. Шу мақсадда якка тартибда уй-жой қурувчиларга қатор қулайликлар яратиб берилган. Улар шаҳардаги бинокорлик материаллари корхоналаридан қурилиш учун зарур буюмларни — темир-бетон конструкциялари, ғишт, қум-шағал, цементни бемалол сотиб олмоқдалар. Шу сабабли йил бошидан бери фақат аҳоли маблағлари ҳисобига бир ярим минг квадрат метрдан ортиқ бўлган саҳнли уй-жойлар қад кўтарди.

Собир ҲАМИДОВ.

ҲАЙРЛИ ИШ БОШЛАНДИ

Шу йили таъсис этилган «Камолот» жамғармаси Юқоричирчиқ туман бўлими ўз фаолиятини жонлантириб бормоқда. Яқинда бу ташкилот фаолларининг ҳудуддаги корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамғарма вилоят бўлими раҳбари Ёқуб Турсунов иштирок этиб, ёшлар олдида турган вазифалар ҳамда «Камолот»ни моддий маблағ билан қўллаб-қувватлаш хусусида гапирди.

Ўтган куни туман халқ таълими бўлими, «Сув хўжалиги» ташкилоти мазкур жамғарма ҳисобига дастлабки маблағни ўтказдилар.

Тумандаги қатор бошқа хўжаликлар, саноат корхоналари, кичик корхоналар ҳам хайрли ишга муносиб улуш қўшишни бошлаб юбордилар.

Саидмаҳмуд АБДУЛЛАЕВ.

МУҲИМ ЎЗГАРИШ

Электр ёрдамида пўлат эритиладиган янги печлар ишга туширилса, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида металл ишлаб чиқариш ҳажми анча ортади. Шу мақсадда комбинатда ишлаб чиқариш цехларини қайта қуриш ва юксак технологик жиҳозлар ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу жиҳозларни сотиб олиш учун анчагина валюта сарфланди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, металл ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, сифатининг яхшиланиши, экологик муаммоларнинг ҳал этилиши, хомашё ва энергиянинг тежалиши ҳисобига ҳаражатлар қисқа муддатда қопланади.

Янги иншоот келаси йили ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

(ЎзА).

ГАЗ КИРМАГАН ҲОВЛИ ҚОЛМАДИ

Янгийўл туманида республика Президентининг қишлоқ аҳолисини газ ва сув билан таъминлаш тўғрисидаги фармони изчил бажарилмоқда. Режа бўйича бу йил туманда йил охиригача аҳоли турар-жойларининг 94 фоизи газлаштирилади. Ҳозир ана шу дастур асосида қизғин иш олиб борилябти. Куни кеча Ҳамроқул Турсунқулов номли жамоа хўжалигининг Охунбобоев номли бўлимига, шунингдек, Мирзабобоев номли жамоа хўжалиги марказига газ қувурлари кириб келди. Эндиликда бу ердан қишлоқнинг бошқа жойларига ҳам газ қувурлари тортилади.

Носир РИҲСИЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг байрамолди йўқламаси

1991 1 сентябрь 1996

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

Қуйичирчиқ тумани

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган куннинг беш йиллиги арафасида турибмиз. Озод ва хур Ватанимиз тарихида энг катта байрам бу. Беш йил тарихан қисқа давр бўлса ҳам мохиятининг теранлиги, амалга оширилган вазифаларнинг кўлами ва натижаси жиҳатидан ғоят тенгсиз бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нуткида «Белгилаб олинган вазифа ва ислоҳотлар йўлидан оғишмай, собитқадамлик билан бориш муттасил ривожланиш ва олга силжишимизнинг асосий кафолати экани»га алоҳида урғу берган, «амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим принциплари ва устивор йўналишлар қандай бажарилаётганини ажратиб олишимиз ва баҳо беришимиз керак бўлади», деб таъкидлаган эди.

Хўш, ана шу вазифалар нуқтаи назаридан қараганимизда туманимизда ислоҳотларни амалга ошириш йўлида қандай ишлар бажарилди ва улар бугун аҳоли турмуш даражасини яхшилашда қандай ўрин тутяпти? Энг аввало шуни айтиш керакки, мустақилликнинг бешинчи йилида республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Қуйичирчиқ туманида ҳам аҳоли турмушида туб бурилиш юз берди.

Иқтисодиётни муваффақиятли ислоҳ этишнинг муҳим натижаси, айниқса, хусусийлаштириш жараёнининг чуқурлашгани ва кенгайганида кўпроқ намоён бўлаётир. Бу муҳим иш сифат жиҳатдан янгича аҳамият касб этди. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки даврида асосий эътибор шу йўналишда амалга оширилган ишларнинг миқдорига, бошқача айтганда қанча корхона, ташкилот, хўжалик мулк шаклини ўзгартирганига қаратилган бўлса, эндиликда хусусийлаштиришнинг сифат кўрсаткичлари, у ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бозор талабларига нечоғлик мос келиши асосий мезон бўлиб қоляпти. Туман бўйича шу кунгача 26 та ишлаб чиқариш корхонаси хусусийлаштирилди. 1230 гектар майдонга эга бўлган ва 432 нафар деҳқон ва чорвадорларни бирлаштирган 94 та деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил топди. 74 та кичик корхона ва цехлар очилди. Аммо шу билан бирга хусусийлаштирилган корхоналар самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётга кўпроқ наф келтирадиган қилиш энг муҳим вазифалардан бўлиб қолди. Бу иш изчиллик билан амалга оширилмоқда. Буни шу йилнинг ўтган даврида саноат корхоналари, тадбиркорлик тизимлари ва якка тартибда иш олиб бораётган корхона ва фирмаларда 55 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилгани, бу кўрсаткич 1995 йилдагига нисбатан анча кўп эканлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг кўпчилик қисми нодавлат секторида меҳнат қиляпти. Саноат маҳсулоти ҳажмининг 74 фоиз қисми, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг салмоқли ҳиссаси ҳам деҳқон-фермер хўжаликларига тўғри келаётир.

Агар олдинги йилларда ҳунчалик катта бўлмаган корхоналар давлат мулкидан чиқарилиб, хусусийлаштирилган бўлса, энди йирик корхоналар ҳам мулкчилик шаклини ўзгартирмоқда. Жумладан, 81-автокорхона, Кўрғонча каноп заводи очиқ турдаги акционерлик жамиятига айланганидан сўнг ишлаб чиқаришда ахвол сезиларли тарзда ўзгарди. Ҳозир туманда 14 та саноат ва транспорт корхоналари ҳиссадорлик жамиятлари сифатида иш юритмоқда. Туман «Техчорвасервис» ташкилоти жамоа мулки сифатида хизмат кўрсатишга киришди. 20 та ер бўлаклари сотилиб, савдо дўконлари қурилаётгани ҳам туман иқтисодиётига самарали таъсир кўрсатаётир. Булардан ташқари очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари акцияларининг эркин нархда сотилаётгани мулкдорлар сафини янада кенгайтирмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ривожланишнинг бош шарти хусусийлаштиришни кенгайтириш, мулк шаклларини тубдан ўзгартириш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш билан боғлиқ ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдан иборат эканлигини қайд этди. Туман ҳокимлиги бу масалага масъулият билан ёндошяпти. Мулк ўзининг асл соҳибини топиши учун барча имкониятлардан фойдаланяпмиз. Ишга билими ва қурби етадиган, ташкилотчилик ва бошқарувнинг замонавий талабларини яхши англайдиган, кишилар манфаати учун янги сармояларни жалб этишга ва ишлаб чиқаришни юксалтиришга қодир тадбиркорлар мулк эгаси бўлган жойларда иш ҳам ривож топиб бораяпти.

Абдурахмон Толипов ана шулардан биридир. Унинг «Омад»фирмаси қурилиш жиҳозлари, шлакли ғиштлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Фирма тумандаги қурилишларни зарур жиҳозлар билан таъминлямоқда. Тадбиркор олаётган даромади ҳисобидан яқинда ун тегирмонини ҳам қуриб, Солдатск шаҳри аҳолисига хизмат кўрсатабошлади. «Ўзбекент» жамоа хўжалигидан деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Абдурахмон Қаюмов 37 гектар майдонда деҳқончилик қилиш билан бирга 80 бош қорамол ва 25 бош қўй ҳам асраяпти, сир ишлаб чиқариш цехини қуриб, туман аҳолиси дастурхонига 2 тонна сифатли маҳсулот етказиб берди. Солдатск шаҳар новвойхонаси раҳбари Убайдулла Абдурахмонов аҳоли эҳтиёжини қондириш мақсадида шу ерда кичик тегирмон, макарон ва консерва цехлари қуриб ишга туширди. Ишнинг кўзини биладиган тадбиркор ва мулк эгалари туманда кўп. Ҳокимлик уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

1996 йил туманимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам кескин бурилиш йили бўляпти. Деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати билан 12,5 минг гектар майдонда мўл ғалла ҳосили етиштирилиб, давлатга 26 минг 850 тонна дон сотилди. Ғалла тайёрлашда энг яхши натижаларга эришган «Гулистон», «Тошовул», «Ўзбекент» жамоа хўжаликлари, «Ўзбекистон» тажриба фермерлар уюшмасида ҳар гектар ердан 38-41 центнердан хирмон кўтарилди.

Пилла етиштириш режалари ҳам муддатидан илгари бажарилди. Жорий йилнинг муваффақиятли якуни 13 минг 520 гектар майдондан режадаги 36,5 минг тонна пахтани қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш учун ғўза парваришини кучайтириш, йиғим-терим мавсумига пухта тайёргарлик кўриш ва терим техникасини барвақт сифатли қилиб, тахт этиб қўйишга боғлиқ. Ҳокимлик тузган комиссия бу вазифаларнинг бажарилишини қаттиқ назорат қилиб бораяпти.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисидаги қарори асосида қишлоқларнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиб берди. Тузилган дастурга мувофиқ қишлоқ умумтаълим мактаблари ва соғлиқни сақлаш объектлари реконструкция қилиниб, кенгайтириб борилади, фельдшер-акушерлик пунктлари ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаларини қишлоқ даволаш пунктларига айлантириш ҳисобига соғлиқни сақлаш тизими тузилмаси янада такомиллаштирилади. Уларни врачлар, тиббиёт асбоб-ускуналари ва анжомлари билан етарли таъминлаш ҳам ҳокимлик фаолиятида муҳим ўрин тутяпти.

Қишлоқ хонадонларини газлаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди. Шу йилнинг бошида тоҳаси ҳисобига мол айир бошлаш йўли билан газ қувурлари олиб келинган эди. Ҳозир эса тумандаги 4 та хўжаликда қурилиш-монтаж ишлари олиб бориляпти. Чиноз — Кўрғонча — Юлдуз — Абай йўналишида 5,5 километр узунликдаги газ қувури ётқизиб бўлинди. Ўрта босимдаги саккиз километрлик Кўрғонча—Абай-Юлдуз—Ўзбекент қишлоқларига ҳам қувур тортиш тугалланди. Эрта-индин бу йўналишда газ очилиб, ундан барча хонадонлар баҳраманд бўладилар. Келгуси йилнинг биринчи ярмида эса тумандаги барча хонадонлар газ билан тўла таъминланадилар. Ҳар бир қишлоқда аҳолига хизмат кўрсатадиган устахоналар, сартарошхоналар, очиляпти. Кичик корхоналар ишга тушмоқда.

Буларнинг ҳаммаси аҳолининг даромади, ҳаёти, насибаси бутун бўлиб, турмуши тўқ, рўзғори бут ва баракали, иқтисодиёти мустаҳкам бўлиб боришига олиб келмоқда. Истиқлолнинг беш йиллик даврида эришилган муваффақиятлар ҳақида гап кетганда ҳаёлимга даставвал мана шу теран ўзгаришлар келади.

Қамбарали ОМОНОВ,
Қуйичирчиқ тумани ҳокими.

ҲАРАКАТДА – БАРАКАТ

Тадбиркорлар даври келди. Вақтини, билими ва тажрибасини аямаган ишбилармонлар ўйлаган режасини амалга ошириб фойда кўрадиган, бошланган иши билан фақат ўзининггина эмас, шу билан бирга атрофдаги кишиларнинг ҳам яхши яшашини таъминлайдиган замон келди. Шу пайтгача тумандаги новвойхонада ишлардим. Хўжаликларда ғаллачилик ривож топиб бораётганини эътиборга олиб, корхона қошида мўъжазгина тегирмон қуриш лозим, деган фикр пайдо бўлди. Бунинг учун маблағ ҳам, бино ҳам бор эди. Хитойдан 330 минг сўмга бир кеча-кундузда 600 килограмм ун тортадиган тайёр тегирмон ускуналарини сотиб олиб, шу ерда ўрнатдик. Мутахассис Александр Эйсфельд ҳозир уни бемалол юргизяпти. Унинг маслаҳати билан тегирмондан чиққан унни макарон қилиб берадиган ускуналар ҳам келтирдик. Эндиликда хўжаликлардан келтирилган буғдой тегирмонда тортилиб, макарон ҳолида савдо ташкилотларига етказиб бериляпти.

Олинаётган даромад ҳам кўпайиб бормоқда. Корхонамизда меҳнат қилаётган 16 ишчи билан ўзаро маслаҳатлашиб, фойданинг бир қисмини янги цехлар қуриш учун сарфлашга келишиб олдик. Консерва цехимиз ҳам шу тарзда вужудга келди. Ҳозир бу ерда бир кеча-кундузда 2-2,5 минг банка консерва тайёрланмоқда. Сабзавот ва хўл мевани эса атрофимиздаги жамоа хўжаликлари ва деҳқонлардан сотиб оляпмиз. Бу маҳсулотимиз ҳам ниҳоятда харидоргир бўлиб қолди. Савдо тармоқлари ўзаро шартнома асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотни шу куннинг ўзида олиб кетмоқдалар.

Режаларимиз катта. Тегирмон ва макарон цехини кенгайтирмоқчимиз. Консерва цехида эса яна бир линия ишга туширилади. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик берган имкониятлар туфайли амалга ошди. Биз янгича яшашга, янгича ишлашга ўргандик.

Убайдулло АБДУРАҲМОНОВ,
Солдатск шаҳридаги нон комбинати раҳбари.

ҲАЛҚ ҲАМ ХИЗМАТ ҚИЛГАНГА ҚАЙИШАДИ

Қишлоқларимизда 1500 хонадон бор, 10 минг аҳоли яшайди. Улар асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланадилар. Бироқ ҳозир қишлоқ аҳолиси эскича тарзда яшашни истамайди. Хонадонларда ичимлик суви бўлишини, ўчоқларда газ ёнишини хоҳлайдилар. Афсуски, бу ишларга жуда кеч киришилди. Қишлоқларга газ қувурлари энди тортиб келинмоқда. Ҳозирча 594 хонадонда «зангори олов» ёнягти. «Меҳнатобод», «Дўстлик» жамоа хўжаликлари аъзолари ҳам нари борса яна бир йил ичида ош-овқатларини газда пиширадиган бўладилар. Туман ҳокимлиги барча қишлоқларга, «зангори олов» олиб келиш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллиги олдидан мустақиллигининг туб моҳияти, қилинган ишлар ва олдда турган вазифалар ҳақида фикр юритар эканман, айниқса қишлоқ аҳолиси турмушини янада ривожлантириш учун кун сайин эътибор кучайиб бораётганини айтмоқчиман. Республикамиз Президенти олиб бораётган кучли сиёсат ва ғамхўрлиги натижасида ана шундай бўляпти.

Қишлоқларни ободонлаштириш, бу ерга саноат корхоналарини олиб келиш, ишсизларни иш билан тўла таъминлаш ҳам қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастурида алоҳида ўрин эгаллаган. Худудимизда ўтган йили 200 га яқин киши ишсиз эди. Туман меҳнат биржаси ёрдам бериб, улардан 120 кишини иш билан таъминлади. Бироқ қишлоқларда саноат корхоналарини барпо қилмай туриб, бу муаммони узил-кесил ҳал этиш қийин, албатта. Ёш ўқитувчи Айнаш Норбоева яқинда қишлоқда тикувчилик цехи очди ва ишсиз аёлларни ўз корхонасига жалб этди. Ҳозир улар хотин-қизлар ва болаларнинг кийимларини,чойшаб ва ёстиқ жилдларини тикишмоқда. Сифатли бўлгани учун уларнинг маҳсулотига талаб кун сайин кучайиб бораётир. Биз фуқаролар йиғинида Айнаш Норбоеванинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ҳар бир қишлоқда ана шундай кичик корхоналар очиш масаласини кун тартибига қўйдик. Туман ҳокимлиги чиқарган қароримизни маъқуллади. Ишончим комилки, яқин ойлар ичида бизнинг қишлоқларимиз ҳам саноатлашади, аҳоли эркин-эмин яшайдиган бўлади.

Гулшод БУЛИШ,
Қуйичирчиқ туманидаги Майдонтол фуқаролар йиғини раиси.

● **Туман енгил саноат давлат маҳаллий корпорациясига қарашли «Зафар» ҳиссадорлик жамиятида янги цехлар қурилиб фойдаланишга топширилди.**

Суратда: тўқув цехи устаси Назокат Қосимова ва тўқувчи Наргиза Қаршибоева калава сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Даврон АҲМАД суратлари.

Ижтимоий муҳофазага — жиддий эътибор

ҒАМХЎРЛИК ҚИЛСАК АРЗИЙДИ

ЭНЕРГЕТИКА ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти ва шаҳар қўмитаси меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш йўлида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Бу борада жамоа шартномаларидан кенг фойдаланиляпти. Ҳар йил бошида корхона ташкилот маъмурияти ва меҳнат жамоаси номидан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилаётган бундай ҳужжатларда ижтимоий муҳофаза масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Жамоатчи мухбиримиз Будир Пўлатов амалга оширилган тадбирлар ҳақида сўзлаб беришни қўмита раиси Қозим Максудхоновдан илтимос қилди.

—Жамоа шартномаларида ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларнинг қандай амалга оширилаётгани ҳақида гапириб берсангиз.

—Аввало, шуни айтиш керакки, кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширмай туриб ижтимоий адолат ва барқарорликка эришиб бўлмайди. Улар эса жамиятни ҳаракатлантирувчи кучларидандир. Демак, ижтимоий ҳимоя билан чамбарчас боғлиқ. Ижтимоий ҳимоя эса халқ манфаатига хизмат қилади. Жамоа шартномалари меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишда энг самарали, энг ишончли воситадир. Касаба уюшмаси қўмитаси унда иш берувчидан амалга ошириш мумкин бўлган ҳамма имтиёзларни сўрайди, улар шу ҳужжатда қайд қилингач, қонун кучига эга бўлади.

Биз жамоа шартномаси тузиш, ҳужжат сифатида тайёрлаш, ижросини таъминлашга катта эътибор қаратганмиз.

Биз кейинги икки йил давомида жамоа шартномасини тузишдаги тажриба, ташаббус, ютуқ ва камчиликларни ўргандик ва қатор янги таклиф-мулоҳазалар киритдик. Бу 1996 йилги жамоа шартномаларида ўз аксини топди.

Баъзан шундай ҳам бўладики, ишчи бир корхонада умр бўйи ишлади, бутун умри, қувватини унга берди, пенсияга чиққач, яккаланиб, ҳимоясиз қолади. Иссиқ жон касал бўлиши мумкин. Ҳозирги қийин шароитда даволаниш, дори-дармонлар сотиб олишнинг ўзи бўлмайди. Биз жамоа шартномаларига «Пенсияга чиққанларга даволаниш учун шароит туғдириш ва уларни профилактик муассасаларга бериладиган йўлланмалар билан таъминлаш» деган банд киритдик.

«Ўзбекэнерготаъмир» корхонаси жамоа шартномасида пенсияга чиққанларга бир йўла моддий ёрдам кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилишга пул ажратиш, уларни коржома, махсус иш кийимлари билан таъминлаш ва бошқа масалаларни кўриш мумкин.

Тошкент вилояти электр тармоғи ташкилоти жамоа шартномасида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича бир қатор манзур моддалар бор. Чунончи, аёлларнинг истакларига қараб қисқартирилган иш куни белгилаш ва ишланган вақтга қараб ҳақ тўлаш, иш фаолияти транспортда кўпроқ юриш билан боғлиқ хизматлар ва бўлимлар ходимларига йўл ҳақи тўлаш ва бошқалар. Шунингдек, жамоа шартномасига маданий-маърифий ишларга маблағ ажратиш назарда тутилган бир неча модда киритилган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, яратилган имтиёзлар маълум даражада фаровонликка, моддий маблағларни тақсимлашда ижтимоий адолатга эришиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унумли меҳнат қилиш, моддий бойликларни кўпайтиришга хизмат қилади. Касаба уюшмалари вилоят қўмитаси буни яхши тушунган ҳолда жамоа шартномаларининг билимдонлик билан мукаммал тузилишига интиляпти. Ҳозир бу ҳужжатнинг ярим йиллигига якун ясамоқдамиз. Ҳужжат пухта тузилган ва ижроси устидан қатъий назорат ўрнатилган жойларда ишчи-хизматчилар ижтимоий ҳимояси юқори даражада бўлаётганини кўриб турибмиз.

—Ишлаб чиқаришда шикастланиш ва товонларнинг тўланишини таъминлаш юзасидан касаба уюшмалари олиб бораётган ишлар хусусида тўхталсангиз?

—Техника хавфсизлигини таъминлаш, унумли меҳнат қилиш учун шарт-шароитлар яратиб беришни назорат қилиш, шикастланишни камайтириш чораларини кўриш, бу борада тадбирлар тузиб, амалга ошириш касаба уюшмаларининг муҳим вазифасидир. Ишлаб чиқаришда шикастланганлар учун товон тўловларини тўла берилишини таъминлаш масаласи ҳам ижтимоий ҳимоялашда алоҳида ўрин тутади. Жойларда айрим ҳисобчи ходимларнинг айби билан одамларга қонуний пуллар тўла берилмайди, сансалорлик қилинади. Бу эса ҳақли равишда норозиликка сабаб бўлади. Биз 72 корхонада касб касалликлари билан оғриганлар, ишлаб чиқаришда шикастланганларга пул тўлашни текшириб чиқдик. Буни қарангки, уларнинг 36 тасида пул тўлашда қонун-қоидаларнинг бузилганлиги аниқланди. Шу йилнинг июнь ойида навбатдан ташқари раёсат ўтказиб, текширув якунлари кўриб чиқилди ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Кам ҳақ тўланган корхонаташкилот раҳбарларини қўшимча тўловлар беришга мажбур этдик. Масалан, Ангрен ГРЭСида етти кишига қўшимча тўловлар тўланди. «Ўзэнерготаъмир»да ишлаб чиқаришда шикастланган Н. Завидовга 6463 сўм ундириб берилди. Ихтисослашган таъмирлаш-саноат корхонаси ишчиси К. Жумабоев уч минг сўмдан ортиқ товон пули олди. «Восток» иссиқлик-энергия муҳофазаси ишчиси Ф. Александровага 6 минг сўм ундириб берилди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Улар бир томондан қилинган савобли ишларни кўрсатса, иккинчи томондан бундай камчиликларнинг олдини олишда муҳимдир. Текширишларга ҳуқуқшуносслар, иқтисодчилар, фаоллар ва бошқа касб эгаларини ҳам жалб этдик.

—Меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари дам олишини ташкил этиш қандай аҳволда? Бу ишда муаммолар борми?

—Меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари ҳордиғини ташкил этиш ҳам ижтимоий ижтимоялашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Бу йил ходимлар дам олишига 1,5 миллион сўм ажратдик. Умуман тармоқдаги касаба уюшмаси аъзолари бўш вақтини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида қатор ишлар қилинмоқда.

Болалар дам олишини уюштиришга алоҳида эътибор бериляпти. Ҳозир Чорвоқнинг гўзал, сўлим гўшаларидан бирига жойлашган «Бригантина» соғломлаштириш оромгоҳида 250 ўғил-қиз ёз гаштини сурмоқда. Ҳар навбатда шунча нафар бола саломатлигини мустаҳкамлайди.

Тошкент ГРЭСи профилакторийси эса она ва бола ҳордиғини чиқариш услубида ишлайди. Ёз бўйи ишловчи оналар билан бирга 200 нафардан кўп уларнинг болажонлари маскан бағрида дам олади. Бундан ташқари, «Кумушкон» соғломлаштириш маркази билан тўғри шартнома усулини қўлладик. Тоғ бағридаги бу масканда касаба уюшмаси аъзолари оилавий йўлланма билан дам оладилар. Май ойида юзлаб меҳнаткашлар бу ерда икки кунлик дам олишда бўлдилар.

Касаба уюшмаси аъзолари йўлланмалар билан республикамиздаги бошқа санаторийларда ҳам даволанмоқдалар. Вазирлигимиз ҳузурида «Ором», «Оққовоқ» каби дам олиш уйлари бор. Энергетикларга бу жойларга ҳам йўлланмалар арзонлаштирилиб ёки пулсиз бериляпти.

Меҳнаткашларнинг ижтимоий муҳофазаси, турмуш даражасини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Бунинг учун барча имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Бу масала бундан буён ҳам эътиборимизда бўлади, чунки, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида касаба уюшмаларининг асосий вазифаси шундан иборатдир. Уйларимизни чароғон, ҳаётимизни фаровон қилишга хисса қўшиш билан шуғулланаётган тармоқ ходимлари ҳақида ҳар қанча ғамхўрлик қилсак арзийди.

Паркент шаҳри марказидаги янги гузар кўркамлиги билан ажралиб туради.
С. ДОТТАЕВ суратлари.



ПАРКЕНТДА ЯНГИ ГУЗАР



МИЛЛИЙ МЕЪМОРЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ АСОСИДА

Кўрик-танлов давом этмоқда

Тошкент вилояти ҳокимининг фармойишига мувофиқ вилоятимиз шаҳарлари, туманлари марказлари ва қишлоқларини мажмуий қуриш ва улар кўркига кўрк қўшиш, транспорт шоҳ йўлларини ободонлаштириш ва безаш юзасидан энг яхши меъморчилик ечимлари, лойиҳалар, қўшимча қурилишлар бўйича кўрик-танлов давом этмоқда. У келгуси йилнинг биринчи ўн кунлигида якунланади.

Унга тайёргарлик вилоятимиз шаҳарлари ва туманларида қандай бормоқда? Шу саволга жавоб олиш, кўрик-танловга тақдим этиладиган ишларни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун вилоят меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқармаси мутахассислари тез-тез жойларга бормоқдалар. Бу гал Бекобод шаҳри, Бекобод ҳамда Бўка туманларига ташриф буюрдилар. Унда вилоятнинг барча шаҳарлари ва туманларининг бош меъморлари қатнашдилар.

Бекобод кўчалари, майдонларини айлансангиз, ургутликлар тажрибаси бўйича миллий меъморчилик анъаналари асосида қад кўтараётган турли катта-кичик биноларни кўплаб учратасиз. Қатор эски савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектлари, бутун бир иншоотлар ўз ташқи кўринишини ўзгартириб, гўзал қиёфа касб этмоқда. Айни вақтда шаҳарда ижтимоий инфраструктура объектлари ҳам анча дуруст ривожланган. Табиий газ, электр энергияси, канализация тармоқлари билан таъминлаш даражаси 80—90 ва ундан ҳам ошиқроқ фоизни ташкил этмоқда.

Маҳаллалар гузарларини барпо этиш ишлари ҳам бошланиб кетди. Ҳозиргача 5 та гузар учун лойиҳа тайёрлаш ниҳоясига етказилди. 2 гузарда бунёдкорлик ишларига киришилди. Бундай маҳалла марказларида дўконлар, аҳолига хизмат кўрсатувчи қатор объектларнинг бўлиши назарда тутилган. Энг муҳими, уларнинг ҳаммаси миллий меъморчилик усулида қад кўтаради. Уларга пардоз ғиштлари, мармар, ҳарсанг тош ва айрим бошқа маҳаллий қурилиш материаллари ишлатилади. Умуман, шаҳарда йигирмата маҳалла бўлиб, уларнинг гузарлари бир-биридан фарқ қиладиган бўлади.

Шаҳар бозорини кенгайтириш ва ундаги бинолар ташқи томонини безаш йўлида олиб борилаётган ишлар самараси ҳозирданоқ кўзга ташланиб қолди. Барпо этилган расталарнинг ташқи кўринишини замонавийлиги билан ажралиб туради, уларни қуришда бинога жозиба, кўркамлик бахш этувчи материаллар ишлатилган. Айни вақтда тўрт ярим гектар майдонда янги бозор ташкил этилмоқда. Айрим маҳаллаларга кираверишда арклар қурилган. Айниқса, шоҳ кўчалардаги транспорт бекатлари қайта қурилиб, кўркамлашмоқда, уларда кичик-кичик, аммо, ташқи кўриниши билан диққатни жалб қилувчи дўконлар барпо этилаяпти. Йўловчиларни ёғин-сочиндан муҳофаза қилувчи шинам сўрилар, ўриндиқлар қилинган. Шуниси диққатга сазоворки, бу йил барча турдаги бундай ишлар асосан фуқароларнинг шахсий маблағларини жалб қилиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Бекобод ҳудуди қўшни Тожикистон билан туташган. Шундай бўлгач, шаҳарга кираверишда арк, унда шаҳар қиёфасини акс эттирувчи рамзий безаклар бўлиши лозим эди. Лекин, ҳозирча бунга қўл урилмаган.

Бекобод ва Бўка туманларида ҳам вилоят кўрик-танловига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Туман марказлари ва қишлоқлари ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар давом этяпти. Кўп ҳолларда иқтисодий қийинчиликлар оқибатида юзага келган аҳвол бу соҳадаги ишларга салбий таъсир қилмоқда.

Шунга қарамай, бу туманлар ҳокимликлари ва меъморчилик бўлимлари ички имкониятларни қидириб топиб, ишга солмоқдалар. Шу туфайли ҳам муайян ишлар амалга оширилиб, туман марказлари ва қишлоқлари, уларда жойлашган турли хизмат кўрсатувчи объектлар қиёфаси миллий кўринишга кирмоқда, янгиларини барпо этишда кўрик-танлов талабларига риоя этиляпти. Улар асосан хусусий қурилишлар бўлиб, аҳолининг маблағлари эвазига қад кўтармоқда.

Бўка газлаштириш соҳасида вилоят бўйича энг орқада қолган туман ҳисобланади. Ҳозир фақатгина тўртта хўжалик аҳолиси «зангори олов»дан баҳраманд бўлмоқда. Туманда жами йигирма иккита хўжалик бор. Шунинг учун давлат маблағи ҳисобидан 17 километр йирик газ тармоғи қурилиши режалаштирилган. Бироқ, маблағ бўлмагани учун бу иш жойидан силжимаяпти.

Туманда иккита қишлоқ гузарлари миллий меъморчилик анъаналаридан фойдаланиб барпо этиляпти. Бўкадаги бозор кўркамлиги билан ажралиб туради. Унда қурилган расталар кўзни қувнатади. Бироқ, ҳеч қандай зарурат бўлмагани ҳолда бу дўконлар, ошхоналар, бозорни ўраб турган ғиштин ва панжарали деворлар олдига сўрилар қуриб ташланган. Бу бозор ва унда қад кўтарган бинолар жозибасига «соя» ташлаб турипти.

Кейинги йилларда қурилиш сифати устидан деярли назорат қилинмагани учун «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» бинолар қуриш ҳоллари ҳам учрамоқда. Шу масалада Бекобод шаҳар меъморчилик ва шаҳарсозлик бўлимида қурилиш, бинокорлик материаллари сифатини текширувчи махсус лаборатория ташкил этилганлиги ва малакали мутахассислар зарур анжомлар билан бутланганлиги айни муддао бўлди. Бундай лабораторияни барча шаҳарлар ва туманларда ҳам ташкил этиш лозим.

Бекобод шаҳри, Бекобод ва Бўка туманларида маҳаллалар, қишлоқлар, шоҳ кўчаларни ободонлаштириш ва безаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларга кўрик-танловнинг юксак талаблари нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ҳали кўп иш қилиниши керак, деган хулосага келиш мумкин. Шундай экан, шаҳар ва туманларнинг мутасадди идоралари ва ташкилотлари бу ишлар кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилашлари лозим. Улар меъморларнинг учрашувлар давомида баён этган фикр-мулоҳазалари, маслаҳатларини инобатга олишлари керак.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

«Ватанни севмоқ — иймондандир» кўрик-танловига

СЎНГГИ вақтларда яратилган адабиёт дастурларида мустақил ва синфдан ташқари ўқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, мустақил ўқиш ўқувчининг ижодий фикрлашини ўстиради, асардан ҳаётий ва ибратли хулосалар чиқаришга ўргатади. Жумладан, ўн биринчи синфда Хуршид Давроннинг «Ватан ҳақида етти ривоят» асарининг дарс сифатида ўтилиши жуда ибратлидир. Зотан, бу асар ўқувчиларни она-Ватанга, мустақил Ўзбекистонга, аждодларимиз ёдига содиқлик руҳида тарбиялаши билан аҳамиятлидир.

Асар муҳокамасидан етти-ўн кун аввал ўқитувчи «Ватан ҳақида етти ривоят» асарини «Шарқ юлдузи» (№ 7,8.1990 й) ойномасидан мустақил ўқишни тавсия этади. Дарс учун Хуршид Даврон портрети, ижодкорнинг шеърий тўплам ва бадиалари, буюк алломалар (Навоий, Бобур, Фурқат, А. Қодирий, Чўлпон, У. Носир) суратлари, техника воситаси-магнитафон, ойнаи жаҳон экрани, Ўзбекистон мадҳиясининг матни, республика байроғи каби жиҳозлар тайёрланади.

Дарс давра суҳбати тарзида олиб борилади. Ўқувчилар давра столи атрофида миллий кийимда иштирок этадилар. Дарс-кўрсатувни бошловчи-сухандон рамзий ойнаи жаҳон экрани орқали бошлаб беради.

«ВАТАН ҲАҚИДА ЕТТИ РИВОЯТ»

БОШЛОВЧИ—СУҲАНДОН (экранда): — Муҳтарам адабиёт муҳлислари! Ҳозир эътиборингизга шоир Хуршид Давроннинг «Ватан ҳақида етти ривоят» асари юзасидан ўтказиладиган баҳс-дарсни ҳавола этамиз. Баҳс-дарсда 274-мактабнинг 11-синф ўқувчилари-мунаққид, журналист, шоир ва актёрлари қатнашадилар.

Дастлаб ўқитувчи давра суҳбатини бошлаб беради. У шоир ҳаёти ва ижоди хусусида муҳтасар маълумот бериб ўтади:

— Хуршид Даврон 1952 йили Самарқанд вилоятининг Чордара қишлоғида туғилган. У 1969 йилда Улуғбек номли 2-мактабни тугатган. Бўлажак шоир ТошДУ журналистика факультетининг кечки бўлимида ўқиб, кундузи қурилишда ишлаган. 1971—1973 йилларда Олмонияда хизматни ўтаган, 1973 йилдан 1992 йилгача «Ёш гвардия», «Камалак» нашриётларида муҳаррир лавозимида ишлаган. 1992 йилдан эса Адиблар Иттифоқининг бош котиби вазифасида фаолият кўрсатган. Унинг илк машқлари 1968 йилдан вақтли матбуотда чиқа бошлаган. Ҳозиргача унинг «Қадрдон қуёш», (1979), «Шаҳардаги олма дарахти» (1979), «Тунги боғлар» (1981), «Учиб бораман қушлар билан» (1983), «Тўмариснинг кўзлари» (1984), «Болаликнинг овози» (1986), «Қақнус» (1987), «Самарқанд хаёли» (1991) каби китоблари нашр этилган. Айниқса унинг «Бибихоним қиссаси ёки тугамаган достон» асари китобхонлар олқишига сазовор бўлган. Шунингдек, у қадимий Хитой, япон, турк шеъриятидан кўплаб таржималар қилган. Ҳозирги кунда шоир кўҳна тарихимизга мурожаат қилиб, «Самарқанд эртаклари» деб номланган китоб устида ишламоқда. Яқинда ёш муҳбиримиз Дурдона Абдураҳмонова Хуршид Даврон билан суҳбатда бўлди. Суҳбат оҳанрабо тасмасидан йиғилганларга эшиттирилади.

МУҲБИР: — Ватан ҳақида ривоятлар ёзишингизга нималар сабаб бўлган?

Х. ДАВРОН: — Мен Ватан ҳақида ривоятларни ёзаётганимда кўпроқ ёш авлодни назарда тутганман. Бундан мақсад, ҳар бир йигит-қизлар ўз аждодлари тарихини англашлари кераклигини ҳисобга олиб ривоят жанрини танладим. Чунки ривоятлар китобхонга тезроқ етиб боради.

МУҲБИР: — «Ватан ҳақида етти ривоят» асаридан парча ўқиб берсангиз.

Х. ДАВРОН: «...Бир парча ер...
Лаънати ер...
Ақл билан қарайлик,
Ўша ерни, майли, очкўз,
Қўшниларга берайлик!»
Аммо Ботир ғазаб билан
Қиличини ушлайди,
Алам ёниб кўзларида
Лабларини тишлайди:
«Ўша сизга айтган ерда
Гарчи бирор ўт ўсмас.
Гарчи кўкдан ёмғир тушмас,
Сув тошиб йўлни тўсмас.
Гарчи унда ўсмас Олтой
Тоғларининг арчаси,
Бегона ер эмас,
У ер —
Ватанимиз парчаси».

Ўқитувчи магнитафонга ёзиб олинган суҳбатдан сўнг, ўқувчиларни баҳсга чорлайди ва ёзув тахтасига қуйидаги кўрсатмали кўргазмани илиб қўяди.

ХУРШИД ДАВРОННИНГ «ВАТАН ҲАҚИДА ЕТТИ РИВОЯТ» АСАРИ

БАҲС УЧУН МАВЗУЛАР:
1. «Боболар мозори».
2. «Бир парча ер».
3. «Ватан тупроғи».
4. «Лола гулли пиёла».
5. «Ватан меҳри».
6. «Туз ҳаки».
7. «Ота қабри».

РИВОЯТЛАРНИНГ НОМИ:
1. Ватан таърифи.
2. Ватан тупроғи-азиз.
3. Бобур дарди ва пиёла.
4. Ватан меҳри—абадий.
5. Қон ва гул.
6. Туз ҳақини оқлаш.
7. Аждодларимиз васияти.

Биринчи мавзу юзасидан ўқувчилар Ватан ҳақидаги тушунчаларини баён этадилар. Чунки Ватан нима эканлигини англамай бу ҳақида фикр юритиш қийин.

БАҲРОМ: — Ватан — халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир.

ХАНИФА: — Ватан — аждодлар ёдини авайлаб сақлаш, улардан мерос қолган маданият, илм-фанни ўрганиш.

МУЗАФФАР: — Ватан — олтин бешик.

МАШКУРА: — Жаҳонда Ватандин яхши ёр ўлмас.

Шунингдек, хоҳлаган ўқувчилар Ватан ҳақидаги шеърлардан ёд айтиб беришлари мумкин. Масалан, А. Ориповнинг «Ватан деган ном» шеърини ёддан айтириш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрини қисқача хулосалаб, иккинчи мавзуга ўтади.

Ўқувчилар «Боболар мозори», «Бир парча ер», «Ватан тупроғи» ривоятларидан келиб чиқиб, ватан тупроғи азиз эканлигини далиллайдилар.

ДИЛФУЗА: — «Боболар мозори» ривоятининг мазмуни қуйидагича: Дунёнинг ярмини эгаллаган шох Доро аждодлар ўчини олиш учун етти юз минг аскари билан даштликлар юртига келади. Аммо даштликлар саҳрода кўчиб юрар эдилар. Доро ўз чопарларини даштликлар шоҳи хузурига юборади ва икки шарт кўяди: кучинг етса бизни қиймалагин ё қошимга бош эгиб кел. Чопар даштликлар шоҳидан шундай жавоб келтиради: Биз қочиб юрганимиз йўқ, сен кучимизни билмоқчи бўлсанг, мозоримизга тегиб кўр:
Ўша заҳот билурсан,
Биз қандай жанг қилурмиз?
Ҳар биттамиз юзтангиз,
Махв этиб йиқилурмиз.
Бу сўзларни эшитган Доро даштликларни енгиб бўлмаслигини англаб, у ердан чиқиб кетган экан. Кўраяпсизми, даштликлар учун боболар қони тўкилган, хоки қўйилган тупроқ нақадар азиз!

БАҲРОМ: — Тўғри айтасан, Дилфуза. Ватан тупроғи боболаримиз қони тўкилгани учунгина эмас, балки бизга куч бағишлаши билан ҳам азиздир! Ўз фикримни «Бир парча ер» ривояти орқали баён этмоқчиман. Дунхулар подшоҳи ҳуннулар ҳукмдорининг ёшлигидан фойдаланиб қолмоқчи бўлади. Дастлаб элчи орқали ёш ҳукмдордан ҳуннуларнинг сутдек оқ, муқаддас отини беришни талаб қилади. Ҳукмдор отни бериб юборади. Хоқон энди ёш ҳукмдорнинг гўзал хотинини сўрайди. Ёш ҳукмдор бу шартни ҳам бажаради. Лекин дунхулар ҳукмдори бир парча ерни сўраганда ёш ҳукмдор қилич кўтариб жангга шайланади:
Гарчи ўша бир парча ер
Қизиб ётар нақ тандир.
Бегона ер эмас,
У ер —
Бизлар учун Ватандир!

Хуннулар юракларига она юрт ишкини жойлаб жангга кирадилар ва душманни енгадилар. Кўраяпсизми? Ватан тупроғи қандай азиз!

УМИДА: — Ҳақ гап, Баҳром. Менимча Ватан тупроғи яна шунинг учун азизки, у ҳақиқатни айтишга ундайди. «Ватан тупроғи» ривоятида шундай ҳикоя қилинади; Эрон шоҳи қўшни юрт хонининг кўнглини билиш учун чора излайди. Шунда вазири унга қўшни юртдан тупроқ келтириб, боққа тўкишни ва бу ерга қўшни юрт хонини таклиф этишни маслаҳат беради. Қўшни юрт хони шоҳ этагини ўпар, унга қарши жанг қилмоқчи эканлиги ҳақида оғиз очмас эди. Лекин ўз Ватани тупроғи тўкилган боққа кирганда бутунлай ўзгаради:
Қул бўлмасман сенга подшоҳ,
Қул бўлмайди халқим ҳам.
Сени ямлаб ютажакдир,
Юрт деб ёққан оловим.

Шундан сўнг Эрон шоҳи қалбида юрт меҳри уйғоқ халқни ҳеч қачон енгиб бўлмаслигини тушунади. Чунки Ватан тупроғи инсонга ғойибдан куч ато этади.

НИГОРА: — Дўстлар, сизларнинг юқорида билдирган фикрларингиздан шундай хулосага келдимки, Ватанимиз тупроғини эъзозлашимиз, асрашимиз керак экан. Ахир Бобур ва Фурқат каби халқимизнинг улуғ фарзандлари ватанни қўмсаб, унинг тупроғига зор ўтганлари бизга сабоқ бўлмайдими? Шу ўринда бир ўқувчи томонидан «Фурқат нидоси» номли шеър ифодали ёддан айтиб берилса, машғулотни янада таъсирчан чиқишига эришилган бўлур эди. Сўнгра ўқитувчи учинчи мавзу юзасидан Бобур дарди ҳақидаги ривоят тўғрисида ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш истаги борлигини билдиради.

НОЗИМА: — Менга «Лола гулли пиёла» ривояти манзур бўлди. Қирқ кундирки, Бобур хаста, хаёли паришон. Табиблар унинг дардига даво тополмайдилар. Шунда бенгаллик донишманд чол фол очиб, Бобурнинг дарди пиёладан, дейди. Зеро, бу пиёла Бобурнинг она юрти тупроғидан ясалган бўлиб, унга етти дона лола сурати чизилган эди.

Дарҳақиқат, пиёлани беклардан бири Самарқанддан келган карвондан сотиб олиб, Бобурга совға қилган эди. Бу пиёла эса Бобурга ўз ватанини эслатар, ярасини янгилар эди. Шундан кейин Бобурга содиқ беклар пиёлани синдириб, қўмиб ташлайдилар. Бироқ Бобур дардига даво топилмайди. Қаранг, пиёлада Ватан тупроғи—Ватан меҳри бор!

ТУЙҒУН:—Жуда тўғри, Нозима. Шу ривоятда мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики, пиёлани синдириб, қўмиб ташласалар-да, шу ерда яна еттита лола пайдо бўлади. Демоқчиманки, Ватан меҳри, Ватанни қўмсаш—унутилмас дард. Шунинг учун боболаримиз «Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл» деганлар.

МАРҒУБА:—Мен ўйлайманки, Бобур дарди пиёладан эмас, Ватан меҳридан, пиёла эса бу дардни янада янгилаган, холос.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг фикри тўғри эканлигини тасдиқлаб, Ватан ишқи Бобур қалбида аввалдан унутилмас дард бўлиб келганини, пиёла эса ҳар сафар шу дардни қўзғашини тушунтиради. Зеро, Бобур дарди пиёлага боғлиқ бўлганда, пиёла қўмиб ташланганда у дардан халос бўлган бўлур эди. Шу ўринда ўқитувчи ўқувчиларда Ватанга муҳаббат, содиқлик туйғуларини оширишга ҳаракат қилмоғи лозим.

Навбатдаги мавзуни эса ўқитувчи бошлаб беради:

—Ватан... Бу қандай сеҳрли маконки, уни эгалари бегоналарга бергиси келмайди? Унинг қандай қуввати борки, ҳимоясига халқ жонини тикади? Нега ҳар йили қип-қизил лолалар очилади? Нега гуллар алвон ранг? Ота-боболаримиз қони нега тўкилган? Баҳсимизни «Қон ва гул» ҳақида давом эттирсак.

НИГОРА:—Бу баҳсни «Ватан меҳри» ривояти орқали бошласам. Юртим деб лак-лак ёвга бас келган Самарқандлик мард Бобонни қидириб юрган саллотлар чол ва набирасини тутиб олиб, Бобонни топиб беришни сўраб, уларни қийнайдилар. Шунда чол Бобонни тутиб беришга рози бўлади. Фақат аввал набирасини ўлдиришларини, унинг олдида сотқинлик қилишга уялишини айтади. Болани тоғдан пастга ирғитиб юборишгач, чол: «Набирам қийноққа чидолмай айтиб қўяди, деб қўрққан эдим, мен ҳеч нарсадан қўрқмайман, қўлингиздан келганини қилаверинглар» дейди. Мени таъсирлантирган нарса шу бўлдики, чол ўзи ва набирасини Ватан учун қурбон қилди, шу билан уларнинг номи ҳам унутилди.

ЖАМШИД:—Нигора, тўғри айтдинг. Улар Ватан учун жонларини аямадилар. биз эса уларни унутдик. Ҳар баҳор чоғи уларнинг қони гул бўлиб очилиб, бизни сўроққа тутади: «Ахир қандоқ яшаш мумкин қул бўлиб?»

Ўқитувчи юқорида келтирилган ривоятдан келиб чиқиб, ўқувчиларни Ватан тарихини яхши ўрганишга, аждодларимиз меросидан баҳраманд бўлишга ундайди. Улуғ алломаларимиз ва юксак қадриятларимиз ҳисобланган Ибн Сино, Форобий, Беруний, Улуғбек, Навоий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир ва бошқалар ёдини улуғлашни уқтиради. Шу ерда ўқувчиларга бироз дам бериш мақсадида «Шеърий лаҳзалар» ўтказиш мумкин. Бунда ўқувчи ёд айтадиган шеър мавзуга мос келса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Сўнгра туз ҳақини оқлаш ҳақидаги баҳсга ўтилади.

ШАҲЛО:—Туз ҳақини оқлаш ҳақидаги ривоят ҳам жуда ибратлидир. Подшоҳ хазинасини тунаш учун тушган ўғри жавоҳир тўла қопини ташлаб, ҳазинадан ҳеч нарса олмай чиқиб кетади. Подшоҳ ўғрини топтириб, сабабини сўраганда «туз ҳақини оқладим», деб жавоб беради. Маълум бўладики, ўғри гавҳар деб ўйлаб ялаб кўрган нарса туз экан. «Тузингдан тотганим учун «Туз тотган ерингга қирқ кун салом бер»,—ақидасини эслаб, ҳеч нарса олмай чиқиб кетдим», дейди. Шу жавоб мени ўйлантириб қўйди, биз туз ҳақини оқлай олаяпмизми?

ЗУЛФИЯ:—Шаҳло, саволингга мен жавоб берсам. Туз ҳақини оқлаётганлар кўп. Эътибор берганмисан, аёлларимиз кетмон кўтариб тоғдек хирмон уйишганига? Ёки қишгача пахта теримида қолиб кетган биз тенги болаларнинг турли касалликларга чалинганини ҳаммамиз биламиз. Халқимиз барибир «Тузлиғингга тупурма» деган нақлга амал қиладилар.

ЎҚИТУВЧИ:—Фикрингизни маъқуллайман, лекин «Беш қўл баробар эмас» деган нақл бор. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида деҳқонларимиз пешона тери билан яратилган ноз-неъматни Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиб кетаётган айрим шахслар, туз ҳақини оқлай олмаяптилар. Негаки улар шу Ватанда туғилиб улғайдилар, бошпанага эга бўлдилар. Халқимиз қийин шароитда турган вақтда улар ризқу-рўзимизни ўзгаларга ташимоқдалар. Сиз эса туз ҳақини оқлайсиз, деган умиддаман.

Ноанъанавий дарсларда ўқувчиларда санъатга, ижрочилик маҳоратига муҳаббатни ошириш мақсадида саҳна кўринишлари тайёрлаш, кутилган яхши натижаларни беради. Шу мақсадда «Ота қабри» ривояти саҳналаштирилади. Саҳна кўринишини эса давра суҳбатида қатнашаётган ёш ижрочилар намойиш этадилар. Асар шеърий усулда яратилганини ҳисобга олиб ўқитувчи айрим ўринларни насрга айлантириши, айни вақтда шоир фикрини сақлаган ҳолда шеърдан ҳам фойдаланиши керак. Ижрочилар ўз ролларига мос либос танлашлари, зарур анжомларни олдиндан тайёрла, қўйган бўлишлари лозим. «Насруллои» мусиқаси янграб, саҳна кўриниши бошланади:

МУАЛЛИФ:—Ўлими яқинлашиб
Қолганини сезган чол.
Уч ўғлини чақириб
Тўсатдан берди савол.

ОТА:—Ўғилларим, куним битганга ўхшайди. Ўлсам нима қиласиз?

БИРИНЧИ ЎҒИЛ:—Ундай деманг отажон.

ИККИНЧИ ЎҒИЛ:—Умрингиз бўлсин боқий.

УЧИНЧИ ЎҒИЛ:—Бахтимизга омон бўлинг.

ОТА:—Ўғилларим, ўлсам кўп қайғурманг, биттангиз меросхўрим бўласиз. Ким меросхўр бўлишини вафотимдан сўнг қози ҳал қилиб бергай.

(Ўғиллар қуллуқ қилиб чиқиб кетадилар).

МУАЛЛИФ:—Куни етган экан чол
Айтибди-ю ўлибди.
Бирпасда ҳовлисиям
Одамларга тўлибди.
(Ўғиллар қози хузурида).

ЎҒИЛЛАР:—Ассалому алайкум!

ҚОЗИ:—Ваалайкум ассалом! Бўталарим не мақсадда келганингизни англадим.

БИРИНЧИ ЎҒИЛ:—Ундай бўлса меросхўр ким бўлишини айтиб беринг?

ҚОЗИ:—Бу ташвишни ҳал қилиш жуда душвор, ғорда бир гўша, уерда эса бир донишманд чол бор. Унинг ҳукми менинг ҳукмим бўлади!

(Ўғиллар донишманд чол хузурида).

БИРИНЧИ ЎҒИЛ:—Бобо, бизга меросхўр ким бўлишини айтиб беринг?

ЧОЛ:—Отангиз айтмаганмиди?

ИККИНЧИ ЎҒИЛ:—Отам қози ҳал қилади, деган эдилар. Қози эса сизга йўллади.

ЧОЛ:—Э, воҳ, ота деғани,
Наҳот шундоқ бўлади?
Меросхўр ким?
Айтмасдан
Ахир нега ўлади?
Тутуруқсиз отадан
Кўнглингизни узингиз,
Ҳозироқ бориб унинг
Мозорини бузингиз.

Ўғиллар мозорга кетадилар. Кенжа ўғил уларни тиғ билан кутиб олади.

УЧИНЧИ ЎҒИЛ:—Қани отам қабрига
Тегиб кўринг-чи!
Ўлдираман, бузилса
Отамнинг тинчи.
Воз кечаман
Мерос учун куймайман!
Аммо отам қабрини
Бузишга йўл қўймайман!
(Акалар донишманд чол хузурида).

БИРИНЧИ ЎҒИЛ:—Бобо, укамиз мозорни бузишга йўл бермади.

ИККИНЧИ ЎҒИЛ:—Бизни тиғ билан кутиб олди.

ЧОЛ:—Отангиз
Мақсадини англовдим.
Қабрини бузмоқниям
Синов учун танловдим.
Сиз икки жирканч ўғил
Қайтмадингиз бу ишдан.
Энг оғир гуноҳ бўлмиш
Ота қабрин бузишдан.
Ёлғизгина укангиз
Кетганлар руҳин хушлаб
Қабрни бузмоққа йўл
Бермади қилич ушлаб.
Ҳукмим шудир меросхўр
Шу укангиз бўлади!

Саҳна кўринишидан сўнг охирги мавзу бўйича баҳс давом эттирилади.

ҲАНИФА: — «Ота қабри» ривоятида ҳурмат, эътиқод, меҳр-оқибат каби юксак туйғулар ифодаланади. Қадимдан мерос қолдириш одат бўлиб келган. Мерос қолдириш билан ота-боболар эътиқод, меҳр-оқибат каби туйғуларини ёшларга сингдириб келганлар. Меросхўр бўлиш—шу туйғу, эътиқодларга содиқ қолишдир. Ота қабрини сақлолмаган фарзанд—она-Ватанни, тупроғини, сақлай олмайди!

МУЗАФФАР:—Биз бу ривоятда уч ўғилни кўрдик. Мен тўнғич ва ўртанча ўғил мисолида Амир Темур ва Шароф Рашидовга бўлган муносабатни кўраман. Албатта, эшитганларим асосида. Шуни айтишим мумкинки, ўлганларни қабрда безовта қилмайдилар. Биз ҳам кенжа ўғилдек бўлишимиз керак.

ЎҚИТУВЧИ:—Тўғри, тарихдан кўз юмиб бўлмайди. Боболаримиз руҳини безовта қилиб қўйдик. Лекин, бу камчилик, ҳатоликлар кеч бўлсада, тузатилмоқда. Миллий қадрият ва анъаналаримиз тикланмоқда. Сиз мустақил ҳаётга энди кириб келаяпсиз. Истардимки, шу ривоятдан хулоса чиқариб, кенжа ўғил каби Ватанимизнинг ҳақиқий меросхўрлари бўлингиз!

Дарс-суҳбатни якунлашда ижодкор ўқувчилар бўлса, «Ватан ҳақида етти ривоят» асаридан таъсирланиб ёзган шеърини ўқиши мумкин.

БАҲОДИР ҲАБИБ ВАЛИ, МАҲМУДА ЗОИРХОН ҚИЗИ.

Сўнгра ойнаи жаҳон экранида СУХАНДОН пайдо бўлиб, дарсни якунлайди:

—Азизлар! Сиз Хуршид Даврон ижодига бағишланган суҳбат-дарсимизни тингладингиз. Эътиборингиз учун раҳмат!

Одатда ўқувчи билимини ўқитувчи баҳолайди! Бу дарсда эса ҳисобчи ўқувчилар ва дарсга таклиф этилган ўқитувчилар ҳакам бўладилар. Улар «5», «4», «3» рақамлари ёзилган кўрсаткичлардан фойдаланиб, ўқувчилар билимини баҳолайдилар. Ҳисобчи ўқувчи эса баҳоларни ёзиб бориб, дарс охирида эълон қилади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ўқувчи билими холис баҳоланади. Шунингдек, ўқувчиларнинг миллий кийим ва либосларда қатнашишлари—ўқитувчининг миллий мактаб ҳақидаги орзулари ифодасидир! Ойнаи жаҳон экранидан фойдаланиш бўлажак сухандон, мухбирлар тайёрлаш учун хизмат қилади. Юқоридаги сингари дарс ўтиш ёки уни ўзгартириш ўқитувчининг имконига, қувваи-ҳофизасига боғлиқдир. Энг муҳими, ўқувчиларда Ватанга бўлган муҳаббатни шакллантиришдир!

БАРЧА ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛАМИЗ

Бандлик дастури — амалда

ЯНГИОБОД вилоятимиздаги кенжа шаҳарлардан ҳисобланади. Бу ерда кончилик ва у билан боғлиқ бўлган соҳалар ривожланган. Ҳозирги вақтга келиб, собиқ қизил империя барбод бўлганидан кейин шаҳар иқтисодиётининг бу асосий ва етакчи тармоғи катта муаммоларга дуч келди. Ишлаб чиқариш ҳажми бениҳоя пасайди. Оқибатда ишсизлик юзага келди. Шундай шароитда шаҳар меҳнат биржаси қандай ишламоқда? Меҳнаткашларни иш билан таъминлашга қандай ёрдам бермоқда? Биржанинг директори Миртавали УМАРОВ мухбирларимиз билан суҳбатда шундай деди:

— Мустақилликка эришган куннинг беш йиллигини тантанали нишонлашга қизғин тайёргарлик кўраётган мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар жадал суръатлар билан давом этмоқда. Ҳамма шаҳарлар ва қишлоқларда кўп тармоқли иқтисодиёт юзага келяпти. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари бизнинг шаҳримизда ҳам олиб борилмоқда. Ҳиссадорлик жамиятлари, жамоа ва хусусий, қўшма ва кичик корхоналар, ширкатлар ташкил бўляпти. Яққа тартибда меҳнат билан шуғулланувчилар сафи кенгайиб бормоқда.

Ишсизлар пайдо бўляпти. Бу бозор иқтисодиётига ўтиш — мулкчиликнинг шакллари ўзгараётган даврга хос хусусиятдир. Бундай пайтда эски ишлаб чиқаришлар кенгаяди ёки қисқаради, янгилари пайдо бўлади. Бирида ишчи-хизматчилар сони камайса, иккинчисида уларга нисбатан талаб ортади. Янги иш ўринлари пайдо бўлади. Шундай бўлса ишчи кучининг кўчиши кучаяди, оралиқ даврда ишсизлар пайдо бўлади, кўпаяди, вақти келиб камаяди.

Шундай шароитда меҳнат биржаларининг иши ошиб-тошиб кетади. Ишлаб чиқариш ҳажми қисқариши ёки ўзгариши натижасида вақтинча ишсиз бўлиб қолган меҳнатга лаёқатли кишиларни аниқ рўйхатга олиш, улар учун ўрганган касбига мос иш топиб бериш, янги касбларга ўргатиш, малакасини ошириш ҳақида муттасил қайғуриш лозим. Бу иш бутун мураккаблиги билан асосан бизнинг зиммамизда бўлади.

Албатта, бундай машаққатли вазифани уддалашнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун ҳам шаҳар ҳокимлиги, мавжуд корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар маъмуриятлари бу масалада биз билан яқин ҳамкорлик қилмоқдалар. Бу билан ишимизда вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилишда кўмаклашмоқдалар. Биржамиз ходимлари улар билан доим мулоқотда бўлиб, жойларда юзага келаётган аҳволни синчковлик билан ўрганадилар. Бу иш давомида қаерда янги иш ўринлари пайдо бўлишини, қайси корхона-ташкилотларда камайишини, қайси касб эгаси ва малакаси бўлган янги ишчи кучлари керак бўлишини олдиндан ўрганадилар ва фаолиятни шу асосда олиб борадилар.

Шаҳримизда ҳам аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш юзасидан барча ишлар олдиндан ишлаб чиқилган дастур асосида олиб борилаяпти. Унга 2000 йилгача бу соҳада қилиниши лозим бўлган иш ҳажми йилма-йил аниқ кўрсатилган. Асосий эътиборни уни тўла-тўкис бажаришга қаратмоқдамиз ва барча саъй-ҳаракатларимизни шу мақсадга бўйсундиряпмиз. Шу туфайли ҳам аҳолининг бандлигини таъминлашда айрим натижаларга эришдик. Жорий йилимизнинг биринчи ярми якунлари ҳам шундан далолат беради.

Шу ўринда айрим рақамларни келтиришга тўғри келади. Йил бошидан бери меҳнат биржамизга олти юз нафардан ортиқ киши иш сўраб мурожаат қилди. Уларнинг ярмига яқини ишга жойлаштирилди. Иккинчи маъдан кони бошқармаси маъмурияти йигирма нафар лаҳм қазувчи ишчи кераклигини бизга маълум қилди. Биз рўйхатга олган ишсизлар орасида бу касб эгалари йўқ эди. Шунинг учун истаганлардан йигирма кишини янги касбга ўргатишга киришдик. Бунинг учун махсус ўқиш уюштирилди. У беш ой давом этди, чунки лаҳм қазиш мураккаб ҳисобланади. Энг муҳими ер остида ишланади. Бунинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, шу сабабли касбни пухта эгалламасдан, унинг сир-асрорларини пухта билмасдан бу ишга киришиш мумкин эмас. Битирувчилар ўқиш охирида ўзига яраша имтиҳонлардан ўтказилди.

Шунга ўхшаш яна бир мисол келтирмоқчиман. Республикамиз пойтахтидаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси шаҳримизда ўз фирмасини очди. Унга ҳам янги ишчи кучларини жалб қилиш зарур бўлиб қолди. Бу ҳайрли ишга ҳам зудлик билан киришдик. Йигирма уч нафар хотин-қизларни ўқитишга киришдик. Улар 3 ой давомида тахсил кўрдилар ва тикувчилик касбини ўргандилар. Эндиликда филиалнинг етакчи ишчилари бўлиб қолишди.

Биз қўшни шаҳарлар ва туманлардаги бандлик бўлимларидаги касбдошлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатганмиз. Ангрен шаҳри, Красногорск шаҳарчасидаги ишсизларни банд қилишга ҳам кўмаклашяпмиз. Красногорсклик 18 нафар ишсизни Тўйтепадаги тикувчилик фабрикасига ишга жойладик. Бундан ташқари, айрим фуқароларни Жанубий Кореяга касб ўрганиш ва малакасини ошириш учун ўқишга юбордик. 27 нафар ёш йигит-қизлар йўлланмамиз билан ҳунар-техника билим юртларида касб ўрганмоқдалар. Яна беш ишсиз ижтимоий ҳақ тўланадиган ишларга жалб қилинди.

Биржамиз шаҳар корхоналари ва ташкилотларида янги иш ўринларини барпо этишга баҳоли-қудрат ёрдам бермоқдалар. Шу йилнинг биринчи ярмида 421 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Янги ишлаб чиқаришларни фойдаланишга топшириш ва кенгайтириш ҳисобига очилганлари икки юз элликта атрофида бўлди. Умуман ярим йилликда 360 иш ўрининг ташкил этилиши эҳтимоли назарда тутилган эди, амалдагиси ундан 61 та ортиқ бўлди.

Йил бошидан бери ишсиз мақоми берилган кишилар 320 дан ортиқ эди, ҳозирги вақтга келиб уларнинг сони икки баровардан ошиқ қисқарди. Берилган нафақанинг ҳажми деярли 350 минг сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, уларга яна 55 минг сўмдан ортиқ стипендиялар тўланди. Айни вақтга ишсизлар оилаларига бир неча минг сўмлик моддий ёрдам ҳам кўрсатилди.

Биржамиз жамоаси фаолиятини шу куннинг юксак талаблари, айниқса, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мезонлари билан ўлчайдиган бўлсак кўнгил тўладиган даражада эмас. Ишни яхшилаш учун мавжуд барча имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ, Даврон АҲМАД.

ҒАРҚ ПИШИҚЧИЛИК

ЁЗНИНГ айни мана шу кунларида зумрад далаларда бўлдингизми? Тилими тилни ёрадиган асалдай қовун ва тарвузлардан тотидингизми? Боғларда ғарқ пишган узум ва олмаларнинг, нашвати ва анжирларнинг димоғни қитиқлайдиган анвойи исларини тўйиб-тўйиб ҳидладингизми? Ҳа, боғ-роғларда, сўлим далаларда деҳқону соҳибкорларнинг йил-ўн икки ой қилган меҳнатлари эвазига етиштирган ҳосили ғарқ пишган пайт ҳозир. Бўка туманидаги «Бўка» жамоа хўжалигида ўз касбининг моҳир усталари — тажрибали деҳқонлар кўп. Улар бу йил хўжаликдан ер олиб, мустақил тарзда иш юритмоқдалар. Ана шуларнинг бири деҳқон-фермер хўжалигининг раҳбари Тўлабой Отабоевдир. У хўжаликдан олган экин майдонларида бутун оила аъзолари билан бирга тун-кун меҳнат қилди. 15 гектар майдонда қовун ва тарвуз, 4 гектарда картошка, 5 гектар ерда беда, 7 гектар майдонда маккажўхори ҳамда 55 гектар ерда ғўза ўстирди. Қилинган меҳнатнинг илк самараси ўзини кўрсата бошлади. Полизларда ширин-шакар қовун ва тарвузлар пишиб етилди. Тўлабой ҳар гектар ердан 18 тоннадан ҳосил йиғиштириб оляпти.

—Хўжалигимизда шу кунларда ғўзаларни парваришлаш авж олдирилмоқда,—дейди Тўлабой Отабоев.—Ҳар туп ғўза ҳозирданоқ 6—7 тадан кўсак боғлади. 10—15 тадан гул чиқарди. Йиғим-теримни сентябрь ойида бошламоқчимиз. Албатта, ваъда бўйича ҳар гектар ердан камида 30 центнердан ҳосил топширамиз.

Деҳқон-фермер хўжалиги чорвачиликда ҳам ўзини синаб кўряпти. Негаки, полизларда ўт кўп, маккажўхорининг бўйи икки метрдан ошди. Озуқа етарли бўлгач, нечун чорвачиликка қўл урилмасин? Т. Отабоев ана шуларни эътиборга олиб, кичик бир ферма ташкил этди. Унда ҳозир 35 бош қўй, 7 бош қорамол асралмоқда. Бу ҳам бўлса, деҳқоннинг рўзғорига мадад бўлади.

Ҳа, Бўка туманида деҳқон-фермер хўжаликлари қўчга тўлиб, ўсиб-ривожланиб боряпти. Республика Президенти Ислом Каримов яқинда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаганидек, улар хусусий мулкнинг афзаллигини ўзларининг кундалик турмушларида исботламоқдалар.

Раҳим ҚОДИРОВ.

СУРАТЛАРДА: деҳқон-фермер хўжалиги даласида.
Ҳусан АВВАЛОВ олган суратлар.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги

МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақил Давлат сифатида ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда қатор ютуқларни қўлга киритмоқда. Миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, бой тарихимиз, маданий ва маънавий меросимиз дурдоналари юзага чиқмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда 1996 йил Амир Темур йили, деб эълон қилинганлиги бежиз эмас, Чунки, Амир Темурдек соҳибқирон ва давлат арбобининг илм-фанга, маданиятга, қурилиш, обдонлаштириш ишларига катта ҳисса қўшганлиги тарихий манбалардан бизга яхши маълум.

Кишиларни билим олишга, маърифатли бўлишига жалб этиш орқали давлатни мустаҳкамлаш, юрт ва миллатни фаровон бўлиши ниҳоятда муҳим эканлиги соҳибқирон томонидан кўп маротаба таъкидлаган ва ўзи ҳам шунга амал қилган. Соҳибқирон ўз даврида илмий-тарихий, маърифий асарлар мутаоласи билан мунтазам машғул бўлган. «Темур тузикларида» таъкидланишича, аниқ фанларни пухта ўқиб ўрганиш натижасида маънавий қувват олганлиги қайд қилинган.

Амир Темур марказлашган буюк давлатни бошқариш давомида адолатпарвар салтанат раҳбари сифатида бунёдкорлик ишларини олиб бориши билан бирга, шаҳар марказларида кутубхоналар, масжид ва мадрасалар қошида эса кичик кутубхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор берди. Илмли, зиёли кишилар фаолиятини эъзозлади. Жуда кўплаб илмий-фалсафий, илоҳий-диний, фазовий-тарихий, бадиий асарларни тўплади.

Қимматли қўлёзмаларга эга бўлган кутубхоналар Самарқанд ва Шаҳризабз шаҳарларида ташкил этилганлиги Амир Темур маданий меросининг кўзгуси бўлиб ҳисобланади. Нусха кўчирувчи хаттотлар ўша китоблар муқовасининг ҳар бир варағини ўзгача бир дид билан безадилар ва уларга алоҳида ишлов бердилар.

Китоблар сандиқлар ва китоб қўйгичларда сақланган, жойлаштирилган. Бу эса бизнинг бугунги кутубхоналаримизда кенг қўлланаётилган библиографик ишлов беришларнинг асоси бўлиб ҳисобланмоқда.

Амир Темур даврида ташкил этилган йирик кутубхоналарга мутоала учун кирувчи шахслар давлатнинг алоҳида махсус кишиларининг рухсати билан киритилган. Чунки, у ердаги китоблар бебаҳолиги билан жуда эҳтиёт қилиб сақланган.

Қироатхоналар нафис дид билан безатилган ва мутоала учун қулай бўлганлиги тарихий манбалардан маълумдир. Шулардан кўриниб турибдики, илм-фан, маданият ва китоб бойликлари марказлашган буюк давлатнинг мулки ва фахри бўлган.

Темурийлар сулоласининг буюк вакили Мирзо Улуғбекнинг ҳам етук давлат арбоби, улуғ олим бўлиб оламга машҳур бўлишида китоблар ва кутубхоналар катта рол ўйнаганлигини яна бир бор таъкидлаш жоиздир.

Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан, бобомиз қолдирган маданий меросни ўқиб-ўрганиш, эъзозлаш ва тарғиб этиш ҳар бир ўзбек фуқаросининг муқаддас бурчи ва вазифаси бўлмоғи зарур.

Бу борада Тошкент Давлат Аграр университети кутубхонаси жамоаси ҳам Амир Темур асарлари ва ўша давр маданий меросига алоҳида эътибор берган ҳолда китобхонлар орасида тарғиботни кучайтириб бормоқда.

Жумладан, «Амир Темур — барҳаёт», «Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги», «Амир Темур ва истиқлол» мавзуларида китоб кўргазмалари, китобхонлар билан учрашув-тадбирлар ўтказилиши шулар жумласидандир.

А. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ТошДАУ кутубхонаси директори.

АЁЛЛАР МАСАЛАСИ: ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

2 август куни Тошкентда «Темурийлар тарихи — бизнинг буюк меросимиз» мавзусида илмий-амалий конференция бўлди. Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган бу анжуманда темурийлар даврини ўрганаётган олимлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар хотин-қизлар ташкилотларининг, республикамиздаги бошқа ижтимоий ва илмий муассасаларнинг вакиллари иштирок этди.

Республика бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова анжуманни очар экан, Амир Темур аёлларнинг жамиятда тутган ўрнига, уларнинг фаровонлигини таъминлашга алоҳида эътибор берганини таъкидлади. Мамлакатимиз раҳбарияти, Президентимиз Ислом Каримов ҳозир ўтмишнинг ана шу доно тамойилларига амал қилиб, хотин-қизларимизнинг яхши яшаб, самарали меҳнат қилиши учун барча шарт-шароитни яратмоқда.

Анжуманда темурийлар даврида Шарқ хотин-қизларининг эркини оширишга қўмаклашган нуқтаи назар ва амалий чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилди, ҳозирги кунларда долзарб бўлиб турган хотин-қизларни республиканинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига фаол жалб қилиш масалалари кўриб чиқилди.

(ЎзА).

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига номзодлар

ЎЗИ ҲАМ, ИШИ ҲАМ — МУНОСИБ

ЎЗИНИНГ қарийб эллик йиллик умрини илмий-ижодий ишга сарф этган зукко тарихчи олим Турғун Файзиевнинг ҳаёт йўли жуда оддий. Бу камтарин олим 1929 йили Тошкент шаҳрида туғилиб, 1945 йилдан эътиборан Ўрта Осиё Давлат университети Шарқ факультетини тугатиб, тарихчи-шарқшунос ихтисослигини эгаллади. У шарқшунослик илмий-текшириш институтининг аспирантурасига қабул қилинди. Аспирантурадан сўнг институтда кичик илмий ходим, кейинчалик катта илмий ходим вазифасида ишлай бошлади.

1969 йил домланинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. Олим «XVI-XIX асрларда Бухоро феодал жамиятида қўл кучидан фойдаланишга доир ҳужжатлар» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ушбу тадқиқот илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

Т. Файзиев илмий ишларининг салмоғи катта. Унинг 3 та ноёб монографияси эълон қилинди. «Нодир ҳикоялар», «Муҳаммад Авфий», «XVI — XIX асрларда Бухоро феодал жамиятида қўл кучидан фойдаланишга доир ҳужжатлар», айниқса, «Темурийлар шажараси» номли тарихий асари шулар жумласидандир.

«Темурийлар шажараси» номли асар қарийб 30 йиллик меҳнат мевасидир. Ҳали Амир Темур номини айтишнинг ўзи қийин бўлган бир пайтда муаллиф томонидан яратилган бу иш қанчалик залворли эканлигини айтиб ўтиш, бугун жоиздир.

Т. Файзиев томонидан яна 8 та рисола ва юздан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар чоп этилди. Айниқса, «Зебунисо», «Зангиота», «Темурий маликалар», «Мирзо Улуғбек авлодлари», «Ҳусайн Бойқаронинг сирли ўлими», «Темурийлар шажарасининг жадвали», «Темурийлар шажараси» жадвал-портрет шулар қаторидан ўрин олди.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, олим Амир Темур ва Темурийлар тарихини ўзбек китобхонига ўзига хос тарзда етказиб берди. Олимнинг соҳибқиронга бағишланган илмий ишлари амалиёт билан боғлаб олиб борилди. Айниқса, «Амир Темур юрган йўллар бўйлаб» халқаро илмий экспедиция фаолиятида буларни ёркин кўриш мумкин. Домланинг шахсий кўрсатмалари ва илмий фикрлари билан режалаштирилган Фарғона ва Тошкент вилояти бўйича йўналишлар катта илмий аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради. Домла доимо экспедицияларимизда бирга иштирок этиб, халқ билан бирга бўлган учрашувларда Амир Темур ҳақида кўпчиликка номаълум илмий янгиликларни баён қилиб борадилар.

Турғун ака «Ойнаи жаҳон» орқали намойиш қилинган «Амир Темур изларидан» номли тарихий ҳужжатли фильмнинг илмий маслаҳатчиларидан биридир.

Т. Файзиев «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ҳам доимий муаллифларидан. Газетхонларимиз уларнинг қизиқарли мақолаларини севиб ўқиб борадилар.

Турғун аканинг кичкина жуссалари ўзларига яраши туради. Бу кишининг Амир Темурдек шахс ҳақида асарлар битганига баъзан ишонгинг ҳам келмайди. Энг асосийси, у киши ўта камтарин, ҳокисор олим ва ажойиб инсондир.

Яқинда матбуот саҳифасида Турғун Файзиев номини Беруний номидаги республика Давлат мукофотига кўрсатилган номзодлар рўйҳатида ўқиб қолдим. Ўйлайманки, олим ушбу мукофотга тўла лойиқ тадқиқотчилар сирасига киради.

Муроджон МИРЗАЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти «Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.

ТАБИИЙ МУОЛАЖАЛАР

УЙ ШАРОИТИДА

Қуёш юз терисига тез таъсир кўрсатади. Бундай вақтда шошилмаслик, энг муҳими юзга дуч келган нарсани суртавермаслик керак. Юз пардозингиз учун муолажа жуда оддий бўлсин. Уни ўзингиз уй шароитида тайёрлашингиз ҳам мумкин.

● ПЕТРУШКА косметикада сепкил ва доғларни кетказишда ишлатилади. Чунки, унинг таркиби эфир мойи, оқсил моддалари, калий, кальций, фосфор, минерал тузлар ва коротин моддаларига жуда бой. Майда тўғралган петрушкани қатиқ билан аралаштириб юзга суртиб, 15 минутдан сўнг илиқ сув билан ювиб ташлаш керак. Қуруқ тери учун бу ниқобга 5—6 томчи зайтун мойи қўшиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Икки ош қошиқ творог ва майдаланган петрушкадан тайёрланган ниқоб юз терисини майин қилади. Суртилган ниқоб 10 минутдан сўнг ювилади. Майда қилиб тўғралган бир боғ петрушка ширасидокадан сузиб ўтказилади. Шира пахтага шимдирилиб, кўз қовоғига ўн минутча қўйилади. Бунда кўз яхши дам олади. Айниқса, узоқ ўтириб китоб ўқиганда, ҳавоси дим ёки чекилган хонада яхши таъсир кўрсатади.

Петрушка солиб дамланган чой эса, енгил автомобиль ва бошқа транспортларда юрганда кўнгил айнийдиган кишиларга жуда яхши ёрдам беради.

● ҚИЧИТКИ ЎТ (КРАПИВА) таркибидаги витамин ва минерал тузлар жиҳатидан сабзавот ва ўсимликлар орасида биринчи ўринда туради. Унинг таркибий қисмидаги баъзи бир компонентлар модда алмашинувини яхшилайди. Ёғли юз териси, балоғат ёшида чиқадиган ҳуснбузарга қарши қичитки ўтдан ниқоб қилиш фойдалидир.

5—6 ош қошиқдан 3 ош қошиқ (қуритилган) майдаланган қичитки ўтнинг барги бир литр совуқ сувга аралаштирилиб, газ плитксасига қўйилади. Қайнаб чиққан сув 15 минутча тиндирилади, кейин сузгичдан ўтказилади. Ҳосил бўлган дамламани кунига 5—6 марта юзга суртиб, қуригунча қолдирасиз.

Қичитки ўт баргларидан соч учун лосьон тайёрлаш ҳам мумкин. Янги ўсиб чиққан ўт баргидан 5—6 ҳовуч олиб, бироз туясиз. Унга 1 л. сув, 1 л. вино сиркаси қўшасиз, 15 минутча қайнатиб, сўнг сузгичдан ўтказасиз, совигандан кейин дамламага 100 гр. спирт қўшинг. Тайёр лосьонни бош терисига тез-тез суртиб, бармоқларингиз билан массаж қиласиз.

Илҳом

БЕЧОРА ОНА

Ўз оналарини кексалар уйига олиб бориб ташлаган айрим бемеҳр фарзандларга

Эсдан чиқди дунё кўргани,
Оқ сут берган бўлди бегона.
Шу фарзанд деб умри ўтганди,
Уйдан кетди бечора она.

Ўзи емай унга едириб,
Улғайтирди бўлиб мардона.
Билим берди, уйлантирди ҳам,
Жонин фидо айлади она.

Энди қариб, қувват кетганда,
Керак бўлмай қолди, на чора?
Мажбур қилди ўғил ва келин,
Ўз уйини тарк этди она.

Иймонидан тонган фарзандга,
Тик боқибон мард, мағрурона.
Дили оғриб, қалби мунғайиб,
Уйдан кетди бечора она.

Қандай гуноҳ бўлсин онада,
Дилбандим деб бўлди парвона,
Бугун эса ғарибхонада,
Оҳ чекади муштипар она.

Она деган мўътабар зотга,
Лозим эрур меҳру муҳаббат.
Оналарнинг пойида ахир,
Оллоҳ ваъда айлаган жаннат.

ЎГИТ

Қулоқ сол фарзандим, отанг гапига,
Яхшилик юксакдир, гўё баланд тоғ.
Интилгин чўққига, эсингда бўлсин,
Яхшидан ном қолар, ёмонликдан доғ.

Рустам ХЎЖАЕВ.

«ДЎСТЛИК КАРВОНИ»

Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасида бўлиб ўтган учрашув Ўзбекистон ва Япония ёшлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантиришга бағишланди. Унда Тошкентдаги олий ўқув юртларининг талабалари ҳамда Японияндан мамлакатимизга келган ёшлар иштирок этди. Япониялик талабаларнинг сафари ёшларнинг «дўстлик карвони» доирасида ўтмоқда. Бу тадбирни Японияннинг туризм билан шуғулланувчи ва жамоат ташкилотлари амалга оширмоқда.

Делегацияга бошчилик қилаётган жаноб Янаги Сава учрашув иштирокчиларига япониялик талабаларнинг Ўзбекистонга ташрифи мақсадлари ҳақида сўзлаб берди. Шарқ халқлари тарихини ўрганиш билан шуғулланаётган япониялик талабалар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг Буюк Ипак йўли ўтган жойларини бориб кўриш имкониятига эга бўлдилар.

Учрашувда икки мамлакат жамоат ташкилотлари ўртасида алоқалар йўлга қўйилгани туфайли талабаларнинг Ўзбекистонга сафар қилиши мумкин бўлгани таъкидлаб ўтилди. Хусусан Ўзбекистон маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси билан «Фукусима-Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси ўртасида бир-бирларига мунтазам делегациялар юбориш тўғрисида тузилган битим амал қилмоқда. Ўзаро фикрлашиш, ахборотларни баҳам кўриш, икки халқнинг анъаналари, турмуши билан ўзаро танишиш бир-биридан минглаб километр олисда яшайдиган оддий кишиларга чинакам дўстона, самимий алоқалар ўрнатишга ёрдам беради, пировард натижада эса, иккала давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилашга кўмаклашади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

XXVI ёзги Олимпия ўйинлари ниҳоясига етди

ХАЙР, АТЛАНТА!

ШУНДАЙ қилиб, Атланта Олимпиадаси ҳам тарих бўлиб қолди. 17 кун мобайнида жаҳоннинг 197 мамлакатидан келган 10 мингдан зиёд спортчилар Олимпия беллашувларида ўз маҳоратларини синадилар. 29 та спорт иншоотларида 270 та мусобақани ўйингоҳларда минг-минглаб, «зангори экран» орқали эса миллионлаб спорт мухлислари томоша қилдилар.

Медалларга сазовор бўлган 53 мамлакат спортчилари қаторида Ўзбекистон вакиллари ҳам борлиги қувонарлидир. 22 июль куни дзюдочи Армен Багдасаров кумуш медалга, 26 июль куни вилоятимиз вакили, зангиоталик боксчи Карим Тўлаганов бронза медалига сазовор бўлди. Ғолиблар шарафига 79 бор кўтарилган мамлакат байроқлари қаторида Ўзбекистонимизнинг байроғи ҳам икки бор ҳилпиради.

Мусобақалар давомида 24 та жаҳон рекорди, 2 мингта миллий рекордлар ўрнатилди. 200 метрга сузишда ўзбекистонлик Олег Пухнатий 1.06.34 дақиқа вақт кўрсатиб, Ўзбекистоннинг янги рекордини ўрнатди. Бир қатор турлар бўйича мамлакатимиз спортчилари жаҳоннинг энг кучли ўн спортчиси сафидан жой олишди. Енгил атлетикачи Рамил Ғаниев ўнкурашчилар баҳсида саккизинчи бўлди. Дзюдочи Андрей Штурбабин 71 килограммгача вазнлилар баҳсида умумий еттинчи ўринни эгаллади. Эркин курашчи Дамир Захриддинов саккизинчи бўлди. Дзюдочи Алишер Мухторов ҳам кучли ўнликка кирди (тўқкизинчи ўрин). Оксана Чусовитина гимнастикачилар баҳсида АҚШ, Россия, Корея, Хитой, Болгария ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг донг таратган спортчилари билан тенгма-тенг кураша олди.

Жамоа ҳисобида АҚШ, Россия ва Германия спортчилари энг кўп медалларга сазовор бўлдилар. АҚШ вакиллари 44 та, Россия спортчилари 26 та, ГФР вакиллари 20 та олтин медалларни қўлга киритишди.

Олимпия ўйинлари тугади. Мустақил мамлакатимиз спортчилари биринчи марта жаҳон спортчиларининг улкан кўрик анжумани — Олимпия ўйинларида иштирок этдилар. 76 спортчимиз 13 тур бўйича қатнашди. Дзюдо, бокс, эркин кураш, сузиш, енгил атлетика, гимнастика турлари бўйича эришилган натижалар бирмунча қувонарли бўлди. Эшкак эшувчиларимиз ҳам имконият даражасида қатнашиб, айрим масофалар бўйича ярим финал босқичига чиқдилар. Бироқ бошқа турлар бўйича эришилган натижалар биз кутгандек бўлмади. Тажриба ва маҳорат камлик қилди. Лекин орадан йиллар ўтиб, мустақил юртимиз йигит-қизлари мусобақаларда бундан кўра яхшироқ қатнашишига, медаллар ҳам кўпайишига ишонамиз.

Олимпиаданинг тантанали ёпилишидан сўнг Халқаро Олимпия Қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч мамлакатлар ва элатлар орасида тинчлик ва ҳамкорликка хизмат қилувчи Олимпия мусобақаларининг кейингиси орадан тўрт йил ўтгач Сидней шаҳрида ўтказилишини эълон қилиб, эстафетани Австралия вакилларига топширди.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

ШАНБА ВА ЯКШАНБА кунлари футбол бўйича Ўзбекистон биллур соврини учун нимчорак финалининг жавоб учрашувлари бўлиб ўтди. Бухоронинг «Нурафшон» жамоаси ўз майдонида «Нефтчи» клубини қабул қилиб 4:2 ҳисобида ғолиб келди. Тошкентнинг «Трактор» футболчилари МҲСК клубига 1:2 ҳисобида ўйинни бой беришди. «Пахтакор» «Чилонзор»ни 4:1 ҳисобда мағлуб этди.

Шундай қилиб икки ўйин натижаларига кўра МҲСК, «Нефтчи», «Пахтакор» ва вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоалари ярим финалга чиқишди.

Ярим финалда «Дўстлик» «Нефтчи» билан, «Пахтакор» эса МҲСК билан ўйнайди. Жамоалар ярим финалда ҳам иккитадан — ўз майдонида, сафарда ўйин ўтказишади.

Кеча Ўзбекистон футбол федерациясида ярим финалнинг дастлабки учрашувлари қаерда ўтказилиши қурра ташлаш йўли билан аниқланди.

ВИЛОЯТ КУБОГИ ЧИРЧИҚЛИКЛАРДА

ФУТБОЛ бўйича Тошкент вилояти кубоги учун ўтказилган мусобақаларда аввалига саккиз жамоа икки гуруҳга бўлиниб мусобақалашди.

Ўз гуруҳларида ғолиб келган Чирчиқнинг «Динамо» ва вилоят назорат-тафтиш бошқармаси футболчилари ўзаро ўйинда соврин эгасини аниқладилар. Чирчиқликлар 4:0 ҳисобида ғолиб келиб, биллур совринни қўлга киритдилар.

Акбар УМИРОВ.

ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, КИМ ОШДИ САВДОСИ

Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент вилоят бўлими Чиноз шаҳрида ўзининг навбатдаги ким ошди савдосини ўтказади. Савдо 1996 йил 14 август куни соат 10.00 да Чиноз шаҳри ҳокимлиги биносида бўлади. Савдога шахсий уй-жой қуриш учун ер майдонлари ва автотранспорт қўйилади.

1. Дўстлик кўчасида жойлашган 6 та ер майдони, ҳар бирининг сатҳи 600 кв. метр. Бошланғич нархи 22.800 сўм.

2. Пахта қўрғонида жойлашган 9 та ер майдони, ҳар бирининг сатҳи 600 кв. метр, Бошланғич нархи 12.000 сўм.

	Давлат рақами	Автокорхона манзили	Амалда босиб ўтилган масофа,км.	Ишлаб чиқарилган йили	Бошлангич нархи (сўм)
3. УАЗ—452—Д	52—60 ТШП	Чиноз тумани	640.100	1979 йил.	51.600

Маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:

Хоразм кўчаси, 51. Тошкент вилоят кўчмас мулк биржаси.

Тел. 33-28-52, 33-77-18.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0430. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8577 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6